Тошкент ҳақиқати

№ 157 (10.406).

1992 йил 12 ноябрь пайшанба

Баҳоси 3 сўм.

1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН НАШР ЭТИЛМОҚДА.

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

СЕШАНБА, ПАЙШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

• 92-ЙИЛ ҲОСИЛИ •

ЙИҒИМ-ТЕРИМГА — ҲАММАМИЗ САФАРБАРМИЗ!

• Режани бажарганларни қутлаймиз! •

ТЕЗКОР ПАХТА ШТАБИ

33-40-48
35-48-08
33-50-18
33-05-22

ҚУШИМЧАСИ ҲИСОБИГА ПАХТА ТОПШИРИЛМОҚДА

● ҚУЙИЧИРЧИҚ районидаги «ДУСТЛИК», Ўртачирчиқ районидаги КИМ ПЕН ХВА, А. ИКРОМОВ номли, Бўка районидаги «АЧАМАИЛИ», ҒАФФОР АЗАМАТОВ номли, Чиноз районидаги А. ТЕМУР номли жамоа хўжаликлари биринчилар қаторида пахта тайёрлаш режасини бажарган эдилар. Уларнинг сафи кенгаймоқда. Оққўрғон районидаги А. ИКРОМОВ номли, НАВОИЙ номли, Бекобод районидаги «ФАРҲОД», «ДЕҲҚОНОБОД», «ДАЛВАРЗИН», ОЙБЕК номли, «НАВБАҲОР», Бўка районидаги ТИМИРЯЗЕВ, НАВОИЙ номли, «ТУРКИСТОН» хўжаликлари ҳам қўшимча мажбурият ҳисобига пахта топширмоқдалар.

Улар ҳақида ўз вақтида хабар қилган эдик, ана шу илғор хўжаликларга бағишлаб мақолалар, саҳифалар босилди. Уларнинг эришган муваффақиятлари билан қутлагандик.

Бу илғор жамоа ва давлат хўжаликларининг деҳқонлари режани бажарганларидан сўнг ҳам суръатни бўшаштирмасдан, режага қўшимча пахта топшириш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Далада қолган ҳосилни йиғиб-териб олишни қизғин давом эттирмоқдалар.

БЎКА РАЙОНИДАГИ «ХУЖАҚУРҒОН» ЖАМОА ХЎЖАЛИГИ

● ХЎЖАЛИКДА минг гектардан ортиқ майдонда пахта етиштирилди. Ҳосилни йиғиб-териб олишга сафарбарлик кучайтирилди. Мавжуд техникалардан унумли фойдаланилди. Далада меҳнат қилаётганлар учун зарур шароитлар яратилди. Манфаатдорлик, илғорларни вақтида ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантириш катта самара берди. Режа бажарилди. Ҳар гектаридан салкам 28 центнердан ҳосил йиғиб олинди. Яши хирмон 2785 тоннадан ошди.

Хўжақўрғонликлар шу кунгача машиналарда 2230 тонна ўрнига 2570 тонна ҳосил йиғиб олиб, бу соҳадаги режаларини 115 фоизга етказиб бажардилар.

Эркин Ғуломов, Ҳомид Шаропов, Тожиной Эшмўлатов, Абдуфаттоҳ Нишонов, Ҳамро Жўрақулов сингари ўртоқлар бошлиқ бригадалар, айниқса, юқори кўрсаткичларга эришдилар. Уммат Маматов, Уктам Очилов, Абдували Жаҳонов, Холбой Худойбердиев сингари механик-ҳайдовчилар 100—120 тоннадан пахта териб топширдилар.

Жамоа хўжалиги деҳқонлари яна кам деганда 200 тонна пахта топшириб, яши хирмонларини 3000 тоннага етказишга аҳд қилдилар.

«ЯНГИ ҲАЁТ» ЖАМОА ХЎЖАЛИГИ

● БУ хўжаликда дастлабки кунларданоқ пахта теримида қатнашаётганларни моддий рағбатлантиришга катта эътибор берилди. Аввалига қўлда терилган ҳар бир килограмм пахтага 4—5 сўм, машинада терилган 1 тонна пахтага 500—600 сўм тўланган бўлса, ҳозирги кунга келиб қўлда терилаётган бир килограмм пахтага 10 сўмдан, бир тонна машинада терилган пахтага 2000 сўмдан тўланмоқда.

Хўжаликда ҳозирги кунга қадар 1355 тоннадан ортиқ пахта 500 гектар майдондан йиғиб олинди.

Режани биринчилар қаторида бажарган Знёдулла Товбоев, Раҳмон Саидов, Бахтиёр Шодмоновлар бошлиқ бригадалар ҳосилдорликни 30 центнердан оширишмоқда.

Хўжалик ўз анъанасига содиқ қолиб, бу йил ҳам машина теримида намуна кўрсатди. Бу соҳадаги режасини районда биринчилар қатори бажарди. Ҳозиргача машиналар билан режадаги 1020 тонна ўрнига 1100 тоннадан ортиқ пахта терилди. Ж. Болатоев, П. Ражабов, И. Аҳмедов, Б. Абдужалилов сингари механик-ҳайдовчилар 100—110 тоннадан ошириб пахта тердилар.

Хўжалик аъзолари режадан ташқари 100 тонна пахта топшириши кўзлаяптилар.

ЯНГИЙЎЛ РАЙОНИДАГИ МИРЗАБОБОЕВ НОМЛИ ЖАМОА ХЎЖАЛИГИ

● ДЕҲҚОНЛАР қирадирлардан иборат майдонларда баракали ҳосил етиштирдилар. Ҳозирги кунга қадар 457 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 24,5 центнердан пахта терилди. Режадаги 1100 тонна ўрнига 1105 тонна пахта топширилди. Сотволди Мансуров, Исмоил Иброҳимовлар етакчилик қилаётган бригадаларда ҳосилдорлик, айниқса, юқори бўлди.

Машиналар билан 500 тонна пахта терилди.

— Ҳали даламизда ҳосил бор, — дейишмоқда деҳқонлар. Яна 200 тонна пахта топшириш учун ҳаракат қилмоқдамиз.

ЎРТАЧИРЧИҚ РАЙОНИДАГИ «ҚАЙТМАС» ЖАМОА ХЎЖАЛИГИ

● Муҳаммадолим Убайдуллаев ранслик қилаётган бу колхоз жамоа хўжалиги меҳнаткашлари ҳам йиғим-терими муваффақиятли якунламоқдалар. Лекин бу осон бўлмаяпти. Деҳқонлар 567 гектар майдонда асосий эътиборни ғўзанинг ривожидаги кечикишидаги муддатни қисқартиришга қаратдилар. Шу мақсадда зарур агротехника тадбирлари амалга оширилди. Бу тадбирларда энг аввало ҳар туп ғўзани саратон сувига қондиришга, қатор оралариии ўз вақтида, сифатли юмшатишга, ҳашоратга қарши курашга эътибор қаратилди. Шу туфайли ҳам мўлжалдаги кўчат ҳосил пишиб етилгунча сақлаб қолинди. Терим ҳам юксак уюшқоқлик билан ўтказилди. 1350 тоннадан ортиқ пахта тайёрланиб, режа ошириб адо этилди.

Жўравой Мусаев, Ботир Шерматов ўртоқлар бошлиқ бригадалар, Нурриддин Давлатов, Олим Эрматов сингари механик-ҳайдовчилар мусобақада пешқадамлик қилдилар.

Жамоа хўжалиги меҳнаткашлари режага қўшимча олган мажбуриятларни ҳам тез кунда бажариш ниятида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

● ГАЗЕТА саҳифаланаётганда яна хушхабарлар олдик. Оққўрғон районидаги Охунбобоев номли, Қуйичирчиқ районидаги «Ўжакент» ва Жумағул номли хўжаликлар ҳам пахта тайёрлаш режаларини бажардилар.

ВИЛОЯТ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ҲАҚИДА 11 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(Режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Биринчи устун — районлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — машинада бир кунда терилган пахта, бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

Бўка	1,17	92,09	0,57	88,60
Оққўрғон	1,39	90,67	0,92	78,63
Бекобод	1,02	89,52	0,58	68,48
Чиноз	1,53	83,04	2,17	82,60
Қуйичирчиқ	0,87	82,17	0,45	81,47
Ўртачирчиқ	1,80	81,72	1,09	64,60
Юқоричирчиқ	1,54	80,81	0,84	82,55
Пискент	1,40	76,27	0,59	42,27
Янгийўл	1,33	75,02	1,01	50,05
Вилоят бўйича:	1,30	84,85	0,81	72,25

● Вилоятимизда пахта йиғим-терими мавсумини якунлайдиган кунлар яқинлашмоқда. Ўтган кунгача бўлган маълумотга қараганда вилоятимизда 270 минг 968 тонна пахта топширилган.

● Бир кунда 4156 тонна пахта тайёрланди. Демак, бундан кўриниб турибдики, режани уддалаш учун ҳали кам деганда яна 50 минг тонна пахта териб олиниши керак. Бу ҳосил далаларда бор.

● Уни тезроқ, ёғин-сочинга қолдирмасдан йиғиб олишимиз, режани ошириб адо этишни таъминлаш имкониятларини бутун чоралар билан ишга солмоғимиз шарт!

● Машина терими эса якунланмоқда. Қўл теримига зўр берадиган, ғайрат қиладиган вақт келди. Энди ҳашарчиларни кўпроқ жалб қилиш, сўнгги тонналар учун чинакам зарбдор кураш олиб бориш керак.

● Йиғим-теримда иштирок этаётганларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш ва сафарбарликни кескин кучайтириш билангина далалардан ҳосилни йиғиб-териб олиб, зиммадаги режани ошиғи билан адо этиш мумкин. БУНИНГ УЧУН ҲАММАМИЗ ЎЗИМИЗНИ САФАРБАР ДЕБ ҲИСОБЛАЙЛИК!

ЎЗ ИХТИЁРЛАРИ БИЛАН

ШУ КУНЛАРДА Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси муассасаларининг 784 нафар ходимлари, хизматчилари вилоятимизнинг Қуйичирчиқ райони далаларида пахтакорлар билан ёнма-ён ишлашмоқда.

— Қуйичирчиқликлар биздан ёрдам сўраб, мурожаат қилишлари билан оқ, ҳеч иккиланмай, сиз билан биргамиз, дея жавоб бердик, — дейди республика Соғлиқни сақлаш вазири муовини, шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармасининг бошлиғи Қулаҳмад Тошпўлатович Ғиязев, — ўша куниёқ бошқарма бошлиғи муовинлари Осим Абдуҳакимович Қосимов, Иброҳим Ҳошимович Ҳошимов, 2-бўлим мутахассиси Рустам Хикматович Доннёр-хўжаевлардан иборат штаб тузилди. Эртасига шаҳар касалхоналари, поликлиникалари ва бошқа муассасаларидан кўнгилли равишда пахта далаларида ишлаш истагини билдирган тиббий ходимлар, хизматчилар автобусларда районга жўнаб кетишди.

Биз штаб аъзолари билан суҳбатлашиб, ҳашарчилар ҳақида ҳам айрим маълумотларни билиб олдик. Шаҳарнинг барча районларидан борган ёрдамчилар қулай биноларга жойлаштирилган. Хўжаликлар уларни керакли озиқ-овқат маҳсулотлари билан етарли даражада таъминламоқдалар. Терилган ҳар килограмм пахтага 6 сўмдан пул, 200 граммдан шоли тўланмоқда. Штаб бошлиғи О. А. Қосимовнинг хабар қилишича, ҳашарчилар шу кунга қадар 50 тоннага яқин тўкилган пахталарни йиғиштириб берганлар. Бундан ташқари врачлар, ҳамширалар ўзлари ишлаётган хўжаликларда маҳаллий аҳолига ихтиёрий равишда тиббий хизмат ҳам кўрсатишмоқда.

Х. САИДОВ.

ФУҚАРОЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИ СТАВКАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти «1992 йил 1 октябрдан нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет ҳисобидаги ташкилотлар ходимларининг иш ҳақи миқдорларини ошириш тўғрисида» 1992 йил 8 октябрда чиқарган Фармонига мувофиқ иш ҳақининг солиқ олинмайдиган энг кам миқдори оширилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 1 октябрдан бошлаб, «Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига тузатишлар киритилгунга қадар фуқаролардан олинадиган даромад солиғи ставкаларини қуйидаги миқдорларда жорий этиш ҳақидаги таклифи қабул қилинсин:

Солиқ солинадиган йиллик даромад миқдори (солиқ олинмайдиган энг кам миқдор — 24000 сўм чегирилган ҳолда)	Солиқ солинадиган ойлик миқдори (солиқ олинмайдиган энг кам миқдор — 2000 сўм чегирилган ҳолда)	Солиқ миқдори: Йиллик даромад миқдорига кўра	Солиқ миқдори: Ойлик даромад миқдорига кўра
72000 сўмгача	6000 сўмгача	Даромад миқдорининг 12 фоизи	
72001 сўмдан 96000 сўмгача	6001 сўмдан 8000 сўмгача	8640 сўм + 72000 сўмдан ортиқ пулнинг 15 фоизи	720 сўм + 6000 сўмдан ортиқ пулнинг 15 фоизи
96001 сўмдан 120000 сўмгача	8001 сўмдан 10000 сўмгача	12240 сўм + 96000 сўмдан ортиқ пулнинг 20 фоизи	1020 сўм + 8000 сўмдан ортиқ пулнинг 20 фоизи
120001 сўмдан 180000 сўмгача	10001 сўмдан 15000 сўмгача	17040 сўм + 120000 сўмдан ортиқ пулнинг 30 фоизи	1420 сўм + 10000 сўмдан ортиқ пулнинг 30 фоизи
180001 сўмдан 240000 сўмгача	15001 сўмдан 20000 сўмгача	35040 сўм + 180000 сўмдан ортиқ пулнинг 40 фоизи	2920 сўм + 15000 сўмдан ортиқ пулнинг 40 фоизи
240001 сўм ва ундан ортиқ	20001 сўм ва ундан ортиқ	59040 сўм + 240000 сўмдан ортиқ пулнинг 50 фоизи	4920 сўм + 20000 сўмдан ортиқ пулнинг 50 фоизи

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси ўн кунлик муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига «Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги Қонун лойиҳасини тақдим этсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. ЯЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри, 1992 йил 9 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ФУҚАРОЛАРДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ СТАВКАЛАРИ ҲАҚИДАГИ ТАКЛИФИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИГА

ШАРҲ

Ўзбекистонга четдан келтириладиган ёнилғи-энергетика ресурслари қимматлашиши муносабати билан ва республика аҳолисини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан олдини олиш чораларини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти «1992 йил 1 октябрдан нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет ҳисобидаги ташкилотлар ходимларининг иш ҳақи миқдорларини ошириш тўғрисида» Фармон қабул қилган эди. Фармонга мувофиқ фуқароларнинг солиқ олинмайдиган даромадларининг энг паст даражаси ойига 2000 сўм миқдорида белгиланган. 8 минг сўмгача бўлган иш ҳақидан олинадиган даромад солиғининг энг кам миқдори (12%) белгиланган. Шу муносабат билан Вазирлар маҳкамаси ойига 8 минг сўмдан ошадиган иш ҳақига қуйидаги миқдорларда табақалаштирилган тарзда солиқ солиш тўғрисида таклиф киритди:

Солиқ солинадиган ойлик даромад миқдори (солиқ олинмайдиган энг кам миқдор чегирилган ҳолда)	Солиқ миқдори
6000 сўмгача	даромад миқдорининг 12 фоизи
6001 сўмдан 8 минг сўмгача	720+6000 сўмдан ортиқ пулнинг 15 фоизи
8001 сўмдан 10000 сўмгача	1020 сўм % 8000 сўмдан ортиқ пулнинг 20 фоизи
10001 сўмдан 15000 сўмгача	1420 сўм + 10000 сўмдан ортиқ пулнинг 30 фоизи
15001 сўмдан 20000 сўмгача	2920 сўм + 15000 сўмдан ортиқ пулнинг 40 фоизи
20001 сўм ва ундан ортиқ	4920 сўм + 20000 сўмдан ортиқ пулнинг 50 фоизи

Масалан: фуқарога октябрда 9000 сўм иш ҳақи ёзилган. Даромад солиғи қуйидаги тартибда ҳисоблаб чиқилади:
1) 9000—2000=7000 сўм.
2) 720 + 150 (1000x15%)= 870 сўм
Демак, 9000 сўм иш ҳақидан олинадиган даромад солиғи 870 сўмни ташкил этади.

Айни чоғда, жорий йилнинг сентябрь ойида амалда бўлган даромад солиғи ставкалари жадвалига ва солиқ олинмайдиган энг кам миқдор 1250 сўмга кўра, иш ҳақидан олинадиган солиқ миқдори 1680 сўмни ташкил этган, бу қуйидаги ҳисоб-китобдан кўринади:

1) 9000 — 1250 = 7750 сўм
2) 480(4000 x 12%) + 200 (1000x20%) + 300 (1000x30%) + 700 (1750x40%) = 1680 сўм

Шундай қилиб, 1992 йил 1 октябрдан бошлаб амалда қўлланилаётган ставкалар жадвалига мувофиқ 9000 сўм иш ҳақидан олинадиган солиқ миқдори фуқаролар фойдасига деярли икки баравар (48,2 фоиз) камаяди.

Солиқ суммаси таклиф этилаётган жадвал бўйича жорий йилнинг сентябрь ойида амалда қўлланилган жадвалга биноан ҳисоблаб чиқарилган солиққа нисбатан камайиши фуқаролар олдиган даромад миқдорига қараб 20 фоиздан 60 фоизгача бўлади.

Ўриндошлик бўйича ишлаётган фуқаролардан олинадиган даромад солиғи миқдорини ҳисоблаб чиқаришда даромад солиғи юқорида кўрсатилган ставкалар бўйича солиқ олинмайдиган энг кам даража қўлланилмасдан ҳисоблаб чиқилади ва ушлаб қолинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 25 августдаги VII-458 рақамли фармонига мувофиқ шу йилнинг сентябрь ойида даромад солиғи миқдорини ҳисоблашда қўлланилган солиқ олинмайдиган энг кам даража ойига 1250 сўм эди. Бунда даромад солиғининг 12 фоизли энг кам меъёри ойига 5250 сўмгача бўлган иш ҳақидан, ёки солиқ солинадиган 4000 сўм даромаддан (5250—1250) белгиланган эди. 4000 сўмдан ортиқ солиқ солинадиган даромаддан олинадиган солиқ «Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида»ги ва «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 1992 йил 2 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан қабул қилинган ставкалар бўйича ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎРТОҚ А. А. АЙДАРҚУЛОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик халол меҳнати, республикани ривожлантиришдаги хизматлари ва жамоат турмушида фаол иштирок этгани учун Навоий вилояти ҳокими Абдухолиқ Абдураҳмонович Айдарқулов Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1992 йил 10 ноябрь.

МУШТАРИЙЛАР ДИҚҚАТИГА:

«Тошкент ҳақиқати»га обуна муддати 20 ноябргача узайтирилди!

Обуна бўлишга шошилинг!

Обуна баҳоси — 366 сўм 60 тийин.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» индекси — 64672.

«Ёдгорлик» ободлик дегани

10 ноябрь куни Ўзбекистон тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш жамиятининг навбатдаги қурултойи бўлиб ўтди.

Жамият раиси Н. Муҳиддинов мазкур жамоат ташкилотининг 1986—1991 йиллар мобайнидаги фаолияти ҳамда республика мустақиллиги шароитида жамият олдида турган вазифалар тўғрисида ҳисобот берди. Уч миллиондан кўпроқ кишини бирлаштирган жамиятимиз ташкил этилганига 25 йилдан кўпроқ вақт ўтди, деди у. Шу давр ичида давлат идоралари билан биргаликда тарихи асрлар қаърига бориб тақаладиган маданий меросимизни муҳофаза қилиш борасида талай ишлар қилинди. Шу билан бирга айрим ёдгорликларнинг ҳолати кишини қаттиқ ташвишга солади, уларни тезда тиклмаса бўлмайди.

Қурултойда сўзга чиққанлар бозор иқтисодиётига ўтилаётган ҳозирги давр қийинчиликларига қарамай, қадриятларимизни ҳар қачонгидан ҳам авайлаш зарурлигини таъкидладилар. Эндиликда аждодларимиздан қолган обидаларни оёқости қилишга, қандайдир қурилишлар баҳонасида асрлар билан юз кўришган ёдгорликларнинг бузилиб кетишига йўл қўйиб бўлмайди. Ҳозир умумхалқ муҳокамасидан ўтаётган конституция лойиҳасида бу нарса ўз ифодасини топиши лозим.

Қурултойда Ўзбекистон тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш жамиятини қайта тузиш масаласи муҳокама этилди. Уни Ўзбекистон Республикасининг «Ёдгорлик» жамияти деб аташга қарор қилинди. Жамиятнинг низоми тасдиқланди.

Қурултой ватандошларга мурожаатнома қабул қилди.

Қурултойда ташкилий масала ҳам кўрилди. Н. Муҳиддинов республика «Ёдгорлик» жамиятининг раиси этиб сайланди.

(ЎзА мухбири)

• Ҳамкасбимиз ҳақида сўз

ЁДИНГДАМИ, ДЎСТИМ...

ҲА, ўша куни трамвай ҳам, автобус ҳам жуда секин одимлаётгандек туйилди сенга. Қани энди, исталган пайтда инсон боласига қанот чиқариш насиб этса — борар ерига бир зумда учиб борса.

Мана, ниҳоят ўша қадрдон гўша — болалигинг ва ўсмирлигинг ўтган ота ҳовли. Эшикдан кириб келишинг бошқачароқ туйилди Азизахон опангга. Салом-аликдан сўнг онанглар Маҳбубахон аяни сўрадинг. Кўчадан келиб онага салом бериш азалий одат бу хонадон учун. Лекин бу сафар овозингда, юз-кўзларингда қандайдир одатдан ташқари интиқлик бор эди.

— Ичкаридалар, намоз ўқияптилар, — деди опанглар.

Опа-ука ўша чоғроққина айвондаги хонтахта атрофига тўшалган кўрпачага ўтирган ҳам эдинглар ичкаридан онажонинг, бевалик боши билан ўзи емай сенга едирган, ўзи киймай сенга кийдирган, эндиликда бу дунёда кўрадиган барча рўшноликларини сендан умид қилган, ўша мунис ва муштипар онажонинг чиқиб келдилар. Бошларида қордек оппоқ дока рўмол, эгниларида анча уриниб қолган чийдухоба камзул. Опа-ука туриб саломлашдинглар.

— Бугун биринчи ойликни беришди, ният қилиб мана бу қора духобани сизга олдим, онажон, — қоғозга ўроғлиқ газмолни узатаркансан қувончданми ёки бошқа сабабданми қўлларинг билинар-билинмас титрарди. Онангнинг қўллари эса ҳозирги дақиқада бутун борлиғида юз бераётган, сўз билан таърифлаб бўлмайдиган ҳолатни шундоққина кўрсатиб турарди. — Бу эса Сизга, опажонгинам, менга ҳам акалик, ҳам оталик қилганингиз учун, — шундай дея Азизахон опага рўмол ҳадя этдинг. Кўнглинг тўлмади, шекилли, — бу хамир учидан патир, — деб қўшиб қўйдинг.

Маҳбуба ая ўша совғанги олар эканлар, беихтиёр кўзларидан ёш думалади. Ҳаяжонинг зўридан бўлса керак, бир неча дақиқа тиллари сўз айтмоққа ожизлик қилди. Она учун ўғлининг вояга етиб, пул топиб, биринчи ойлиги ҳисобидан келтирган совғаси — унинг бу дунёга келиб орттирган тенгги йўқ бойлиги эди. Бу шунчаки газмол эмас, йўқ, у ноёб бойлик, ўғлингинаси фақат унга атаб харид қилган.

Маҳбуба ая дуога қўл очдилар...

Ўша кун ҳаётингдаги энг бахтли кун эди, дўстим. Ҳа, айтишга осон, одамлар қаторига чиқиб олдинг. Лекин бу ҳаёт сўқмоқлари сен учун осон бўлмади. Шу боис онанинг кўз ёшларини қисман тушунардинг. Лекин сен билмаган армонлар, юракда қолган доғлар ҳам бор эди.

Нажмиддин ота хонадони тўрт қиздан сўнг ўғил кўришди. Бу ҳолатни ўғил фарзандни энтикиб кутганлар яхши билишади. Оиланинг қувончи бўлмиш Қутбиддин 6 ёшга етганда касалга чалиндию кутилмаганда вафот этади. Ота-онанинг бутун орзу-умидлари ўша норасида билан кетгандек туйилди. Орадан бир-икки йил ўтгач, сен дунёга келдинг.

Ҳаёт бу хонадонга яна бешафқатлик қилди. Сен эндигина бир ёшдан ошган эдинг. Отанг Нажмиддинхўжа бандаликни бажо айладилар. Сен ота дийдорини эслай олмайсан, унинг иссиқ нафасига тўймай қолдинг. Во дариғ! Буёғини қисман юқорида айтдим, қолганини ўзинг биласан. Лекин Азизахон опанг ҳақида дилимдаги гапларнинг лоақал бир учини айтмасам ўзимни гуноҳкор деб биламан.

Худо уни ҳуснидан ҳам, ғайратдан ҳам қисмаган эди. Ишга чечан, зийрак, фаросатли, гапни ҳам ўрнига қўярди. Қишлоқ Кенгашида котиба бўлиб ишлаганларини яхши биламан. Эртадан кечгача катта ҳам, кичик ҳам ўз дарди билан келарди бу ерга. Ҳаммаси ўзига яраша жавоб оларди котибадан. Кимлар одам қўймади унга ўша пайтларда.

— Онам ва укаларимнинг ҳоли не кечади, буларни оёққа турғизмагунимча турмуш қурмайман, тушининглар, рози бўла олмайман, — унинг лўнда гапи шу бўлди.

Азизахон опа, сизнинг онага, жигарларингизга бўлган тенгсиз садоқатингиз олдида алломалар бош эгса арзийди. Яқинлари деб ўзидан, ўз бахтидан воз кечмоқ ҳар қандай бандасининг ҳам қўлидан келавермайди. Сиз ёшлик йилларингизни, қайтарилмас ширин дамларингизни ўшаларга бахшида этдингиз.

Дўстим, кечир мени, ҳаётнинг оғир йиллари ҳақида хийла кўпроқ сўзлаб юбордим. Ҳозирги кунлар қадрига етмоқ, яқинларингни эъзозламоқ учун ўтган кунларни эслаб турмоқ ўзига хос сабоқдир. Унутиб бўладими ахир у кунларни, ёруғлик ва рўшноликка интиқ кунларни.

Афтидан ёшликдаги кўргуликларингга худони раҳми келди, шекилли — хонадон пешонасига қуёш нурлари мўралай бошлади, кўкрагига андек бўлса ҳам шабада тегди. Ўрта мактабни, бирдан олдин-бирдан кейин деганларидек, тугатдинг. Кўз очиб юмгунча дорилфунун талабаси бўлдинг. Бу 1949 йилда юз берди. Биз сен билан худди ўша йили танишдик. Тиришқоқ эдинг. Эслайсанми, неча-неча тунларни дарс тайёрлаб бирга тонг оттирганларимизни?

Худди ўша йиллари сенга бахт юлдузи кулиб боқди. Ғойибона орзу қилганинг, пинҳона ширин ҳаёллар сурганинг. Маҳбуба ая тиллари билан айтганда, ақлли-ҳушли, тишли-тирноқли, уйим-жойим дейдиган қиз учради ҳаёт йўлингда. Бу ўша курсдошимиз Ўғилойхон эди. Ўқишлар ҳам битди, сизлар оила ҳам қуриб олдингиз, Маҳбуба аянинг, Азизахон опанинг қувончи оламга сиғмасди.

Умр йўлдошинг касбдош бўлгани қандай яхши. Бир-бирини тушуниш учун сўзларга ҳожат йўқ. Кўз қарашларидан, киши ҳолатидан нима дейилмоқчи эканлигини билиб олишаверади. Сен бирор нарса ёзсанг, биринчи ўқувчи ва айни чоғда биринчи маслаҳатчи, баъзан эса танқидчи Ўғилойхон. У киши ёзсалар, сиз томоқ қириб, ишга тушасиз. Хуллас, икки ёрти бир бутун деганларидек, кам бўлганингиз йўқ.

Тўлаганхўжа, эсингдами? «Тошкент ҳақиқати» газета редакциясида иш бошладик. Кўп ўтмай бўлим мудири бўлдинг. Йиллар ўтди. Ўғилойхон аввал «Саодат» журналида, сўнгра республика телестудиясида масъул лавозимларда хизмат қилди.

Эришилган натижадан қониқмаслик ҳислатинг сени Москвага — ижтимоий фанлар академиясига ундади. Шу ўтган уч йил мобайнида хонадонга Ўғилойхон бош бўлиб, рўзғорни беками-кўст тебратиб турди. Москвадан — фан номзоди илмий унвони билан қайтиб келдинг. Сўнг ўша ўзинг таълим олган Тошкент дорилфунунида доллалик қилдинг. Эндиликда сенинг собиқ талабаларинг республика, вилоят, шаҳар ва район газеталарида, журналларда, телевидение ва радиода садоқат билан меҳнат қилишяпти. Сенда амалий тажриба ҳам, назарий асос ҳам етарли эди...

Барча касблар ҳам яхши. Тошкент сувидан бир бор тотинган чумчуқ ҳатто Маккатулоҳдан ҳам қайтиб келади, деган гап бор, халқимизда. Бизнинг касбимизда ҳам шундай. Қаламкаш қаерда бўлмасин ижодий муҳитни қўмсайди. Сенинг ниятларинг амалга ошди. 1977 йили «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журналининг бош муҳаррири этиб тайинлашди. Эҳтимол, бунда сенинг илмий даража олиш учун ёқлаган диссертациянгнинг — «Пахтачиликда илғор тажрибани ёйиш ва жорий этишда Ўзбекистон матбуотининг роли» деган мавзуси ҳам бир қадар туртки бўлган бўлса ажаб эрмас. 1985 йилдан бери эса республикамиздаги энг кекса, етакчи газеталардан бири — «Ўзбекистон овози» бош муҳаррирининг ўринбосари бўлиб хизмат қилиб келаётирсан.

Қизиқ. Бу ҳаёт деб аталмуш дарё суви мунча тез оқмаса. Ёшлигимизда ниҳоятда суст туйиларди унинг ҳаракати. Қачон ўқишни тугатамиз, қачон бизлар ҳам бошқалар қатори ижод аҳли сафига қўшиламиз, деб энтикканларимиз ёдингдами? Қара, бирин-кетин 60 ёшга тўлиб қолганимизни ўзимиз ҳам сезмай қолибмиз бугун. Ҳаммамиз қўшақўша неваралар қуршовидамиз. Сенда омон бўлгурлардан етти нафар.

Ҳаётнинг бир нуқтасига борганда ўтган умрни ҳар ким ўзича сарҳисоб қилади. Сенинг пиллапоя йўлларингни, қисман бўлсада, санаб ўтдим. Вақтли матбуотда кўп мақолаларинг чоп этилди. Уларнинг қай бирини айтай. Турмуш ўртоғинг Ўғилойхон билан биргаликда рус ёзувчиси Мария Прилежаеванинг «Медведица соҳилларида» ҳамда «Илк қадамлар», деб аталувчи икки китобини, мўғул ёзувчиси Хорлонинг «Гобилик бола» ҳикоя ва қиссалар китобини таржима этдингиз. Республика матбуотини ривожлантиришдаги ҳамда матбуот ходимлари тайёрлашдаги хизматларинг муносиб тақдирланди. «Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвонига сазовор бўлдинг. Бошқа тақдирномаларинг ҳам бор.

Энг катта бахтинг ҳам, тахтинг ҳам шуки, эл-юртга белни маҳкам боғлаб хизмат қилаётган қанчаданқанча шогирдлар етиштирдинг. Хуллас, ҳаётдан шукурлар қилсак бўлади.

Тунов куни умримиз саҳифаларини биргаликда варақлаб туриб, эсингда бўлса, сўрадим:

— Ҳаётдан армонинг борми? — деб.

— Армонсиз одам борми-кан ўзи? — саволимга савол билан жавоб бердинг. — Топсам эди бу дунёда бағри бутун, ясар эдим қоғоздан ўчоқ, гулдан ўтин, деб беқорга айтишмаган. Энг катта армоним — онамлар бизнинг яхши кунларимизни кам кўрдилар. Бироз эртароқ бизни ташлаб, фоний дунё билан хайрлашдилар. Хизматларини кам қилдим. Бўйнимда қарзлари қолиб кетди. Нега шундай-а, нима қиларкинки, оналар хизматларига яраша, тортган азоб-уқубатларига яраша, чеккан заҳматларига яраша мукофотларини шу дунёда ҳам тўлароқ олсалар. Энг катта армоним ана шу. Бошқаси эса эл қатори.

Мана шу сўзларнинг ўзи менинг дўстим Тўлаганхўжа Нажмиддин ўғлининг қандай инсон эканлигини кўрсатиб турибди. Энди бу ёғига қўшимча гап айтишга ҳожат бўлмаса керак.

Исмоил СУЛАЙМОНОВ,
республикада хизмат кўрсатган маданият ходими.

• *ОБУНА—93* •

ҲАММА ГАП ИХЛОСДА

БУ ЙИЛ газета-журналларга обуна ўтказиш ҳар йилгидан бир неча бор оғир кечаётганлиги ҳаммага маълум. Бозор муносабатлари туфайли юз бераётган қийинчиликларни, иқтисодий мушкулликларни, кўп қатори, матбуот нашрлари ҳам ўз бошидан кечирмоқда.

Қоғоз нархи ва газета чиқариш билан боғлиқ бўлган барча хизмат турлари учун қилинадиган ҳаражат бир неча ўнлаб баравар ошиб кетганлигини шарҳлаб ўтирмаймиз. «Тошкент ҳақиқати» мисолида битта рақамни эслатиб ўтишнинг ўзини кифоя деб биламиз: агар муштарийларимиз тугаб бораётган 1992 йил обунаси учун 27 сўмга яқин тўлаган бўлсалар, 1993 йил обунаси учун эса 366 сўм тўламоқдалар.

Юзаки қараганда обуна нархи қимматдек туюлиши мумкин. Лекин, ҳозирги нарх-навога солиштирганда, газетхон манфаати ҳимоя қилинаётганлигини англаш мумкин. Бундан ташқари биз 1991 йилда 1992 йил учун эълон қилган обуна баҳосини ўзгартирмай сақлаб қолдик. «Тошкент ҳақиқати»га ёзилганлар мана йил тугаяптики, ўша эски — энг арзон нархда рўзнома олишмоқда. Ваҳоланки, шу йилнинг бошидан бери қоғоз нархи ва бошқа ҳаражатлар кескин ошиб кетди. Газета эса вилоят ҳокимлиги томонидан берилаётган маблағ ҳисобига нашр этиб келинмоқда.

Ана шундай оғир ва мураккаб бир шароитда 1993 йил обунасини давом эттирмоқдамиз. Шуни алоҳида айтиш керакки, шахсан вилоят ҳокимлиги, вилоятдаги шаҳар ва бир қатор районларнинг ҳокимлари, уларнинг муовинлари, хўжалик, корхона, ташкилот ва турли муассасаларнинг раҳбарлари обунани ташкил этишда бизга амалий ёрдам бермоқдалар. Кенг аҳоли ўртасида обунани уюшқоқлик билан ташкил этишнинг барча имкониятларидан фойдаланмоқдалар.

Биз бугун Ангрен, Бекобод, Чирчиқ, Олмалиқ ва Янгийўл шаҳарлари ҳокимлари ва уларнинг муовинлари ҳамда Тошкент вилоят матлубот жамиятлари уюшмаси раҳбари бераётган катта ёрдамлари учун алоҳида миннатдорчилик изҳор этмоқчимиз. Ана шу шаҳарлар ва ташкилотлар «Тошкент ҳақиқати»га обуна ўтказишни мўлжалдагидан бир ярим ва ҳатто икки баравардан зиёд оширдилар. Бу шаҳарларда обуна давом этмоқда. Тошкент, Ўртачирчиқ ва Оҳангарон районларида ҳам обуна бўйича ташкилий ишлар пухта олиб борилмоқда, дейиш мумкин.

Шу билан бирга Қибрай, Бўка, Оққўрғон, Чиноз, Пискент ва Зангиота районларида «Тошкент ҳақиқати»га обуна ўтказиш анча сустлигини афсус билан кўрсатиб ўтамиз. Ваҳоланки, ана шу районларнинг ҳаёти рўзномамиз саҳифаларида мунтазам ва кенг ёритиб келинмоқда.

Обуна ўтказишдаги юз бераётган қийинчиликлар ва кўпчиликнинг таклиф-ҳоҳишларини ҳисобга олиб, обуна муддати 20 ноябргача узайтирилди. Бу муддатнинг ҳам ярмидан кўпи ўтди. Лекин, ҳоҳиш ва истак бўлса, ташкилотчилик ва уюшқоқлик кучайтирилса, қолган фурсатни ғанимат билиб, амалий ҳаракатлар қилинса, кемтик жойларни тўлдириб юбориш мумкин.

Биз шаҳар ва районларнинг ҳокимлари, уларнинг муовинлари ва масъул ходимлар, жамоа ва давлат хўжалиги, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарларига, зиёлилар, хусусан, мактабларнинг ўқитувчилари, маданият, тиббиёт, савдо ходимлари, қолаверса, барча ишчи ва хизматчиларга, деҳқонларга, хуллас, барча муштарийларга мурожаат этамиз: ўзбек тилида ягона ҳисобланган ўз қадрдон вилоят газетангизнинг тақдирига бефарқ қарамасликларингизга умид боғлаймиз. Қолган қисқа муддат ичида обуначилар сонини мўлжалдагига етказишнинг аниқ имкониятлари бор. Фақатгина тезкорлик, қунт ва қатъий мақсад билан иш олиб борилса, бу вазифани бемалол уддалаш мумкин. Бу билан сизлар газетани 1993 йилда узлуксиз чиқаришни таъминлаш ишига катта ҳисса қўшган бўласиз.

Биз эса сизлар билан ҳамиша ўзаро ҳамкорлик қилишга тайёрмиз. Ушбу мурожаатномамизга бефарқ қарамаслигингизга қатъий ишонч билдирамиз.

Сизларга чуқур ҳурмат билан

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖАМОАСИ.

«ЧИҚАРИШ—СИЗЛАРДАН, ЁЗИЛИШ—БИЗЛАРДАН»

ОБУНА муддати узайтирилганлиги муносабати билан «Тошкент ҳақиқати» таҳририятига жойлардан кўплаб хатлар келиб турибди, телефон қоқишлар ҳам анчагина бўляпти. Мактубларнинг, гап-сўзларнинг мазмуни битта нарсага бориб тақалади: «Бу йилги обуна мавсуми кўнгилдагидек бўлади, ташвиш тортманглар, газета чиқариш — сизлардан, ёзилиш — бизлардан». Мухлисларимизнинг бундай руҳлантиришлари таҳририят ходимлари қалбини тоғдек кўтармоқда, уларнинг кундалик ишларида катта илҳом бағишламоқда.

Яқинда биз обунанинг бориши билан яна бир бор танишиш мақсадида Чирчиқ шаҳрида бўлдик. Ишчилар, зиёлилар, хизматчиларнинг кўпгина вакиллари билан учрашдик. Улар ҳам юқоридаги каби «Тошкент ҳақиқати» учун, албатта, обуна бўлажакларини изҳор қилдилар.

Ф. ХАЛИЛОВА — шаҳар ҳокими ўринбосари:

— Ўмуман бу йил обуна мавсуми шаҳримизда ҳар қачонгидан яхши ўтаяпти, десак янглишмайсиз. Жумладан, «Тошкент ҳақиқати» рўзномаси обуна режаси деярли икки юз фоиз этиб бажариляпти. Бу ҳали чегара эмас. Одамларнинг қизиқувчанлиги, мушоҳада доираси, дунёқараши юксак даражада эканлигини, кўриб, ўзингиз қойил қоласиз. Обуна жараёнининг қаерга бориб тўхташини ўзимиз ҳам билмаймиз.

Ф. ТОШМУҲАМЕДОВ — 2 автокорхона бош директори:

— Бизда 563 нафардан кўпроқ йигит-қизлар ишлашади. Улардан ҳозиргача 200 га яқини «Тошкент ҳақиқати»га обуна бўлишди. Колонна бошлиғи З. Аҳмедов, механик-муҳандис М. Патиев, А. Қуролов, А. Раҳмонов каби ходимларимиз газетангизга биринчилар қатори ёзилишиб, бошқаларга ўрнак кўрсатишди... Сизлардан ҳам бир илтимосимиз бор: демак, машина ҳайдовчилар, автокорхона мутахассислари газетангизга кўплаб ёзилишаётган экан, улар ҳаёти ҳам вақти-вақти билан рўзнома саҳифаларида ёритиб турилса, айни муддао бўлар эди. Чунки, улар ўзлари ҳақида газетада ўқигач, рўзномага нисбатан ихлослари янада ошади. Бу келгусидги обуна мавсумларига пухта пойдевор бўлади, деб ўйлайман.

Д. ЙЎЛДОШЕВ — А. Навоий номидаги мактаб директори:

— Шахсан менинг «Тошкент ҳақиқати»га жуда ихлосим баланд. Шу боис унга биринчи бўлиб ёзилдим. Ҳозиргача И. Қўрғонова, М. Жуманова, Д. Ашурова, Т. Исроилов сингари 20 га яқин муаллимларимиз келгуси йилда рўзномангизни доимий равишда ўқиш имкониятига эга бўлдилар. Газетага ёзилиш давом этмоқда.

Ҳ. ҲАБИБУЛЛАЕВ — шаҳар божхонаси пости бошлиғи:

— Божхоналар тизилмаси яқинда вужудга келди. Рўзномаларда, шу жумладан, «Тошкент ҳақиқати»да ҳам улар фаолияти жуда кам ёритилмоқда. Истагим — бу масалага алоҳида эътибор берилса. Шундай бўлса ҳам биз — божхона постининг барча ходимлари «Тошкент ҳақиқати»га ёппасига обуна бўлдик.

... Ҳадемай йил ҳам тугайди. Шу кунларда вилоят газетасига обуна бўлаётганлар жуда тўғри иш қилишяпти. Чунки, 1993 йил январининг биринчи кунларидан бошлабоқ, улар «Тошкент ҳақиқати»ни узлуксиз равишда ола бошлайдилар. Хонадонингизга газеталар келиб турганининг ўзи бир файз эмасми?!

У. РАҲИМОВ.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси умумхалқ муҳокамасида

АГАР ТАРБИЯНИ ЎЙЛАСАК...

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасининг эълон қилиниши сиёсий ҳаётимизда улкан воқеа бўлди. Шу кунларда бу лойиҳа барча вилоятлар, туманларда, ишлаб чиқариш корхоналарида, меҳнат жамоаларида, олий ўқув юртларида кенг муҳокама қилинмоқда. Ўзбекистон келажагини ўйлаган ҳар бир фуқаро бу ҳужжатга ўз муносабатини билдирмоқда.

Аввало шуни қайд қилишимиз керакки, ҳақиқатдан ҳам Республикамиз мустақил давлат мақомини олиш билан бирга унинг ваколатлари мисли кўрилмаган даражада кенгайиб бормоқда. Ички ва ташқи сиёсат, ижтимоий-иқтисодий, маданий масалаларни ҳал қилишга киришилди. Бу эса бизга демократик ҳуқуқий давлатни барпо этишимизга кенг йўл очиб беради.

Қонун лойиҳаси ҳозирги ва келажак авлод зиммасига демократия ва ижтимоий адолатга садоқатли бўлиш масъулиятини ҳам юклайди.

Мен лойиҳадаги оила бурчи ҳақида фикр-мулоҳаламни билан ўртоқлашмоқчиман. Маълумки, оила жамиятнинг бошланғич ячейкаси, унинг ижтимоий тузилишининг асосий белгиларидан биридир. Шу сабабли лойиҳада бу масалага катта эътибор берилади. Лойиҳанинг тўла бир боби, яъни XIV боб оилага бағишланган.

60-моддада «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир» дейилган. Агарда биз оиланинг жамиятда бажарадиган асосий вазифасидан келиб чиқсак бунинг тўғрилигига яна бир бор ишонамиз. Оила жамиятда қайси ижтимоий тузумда мавжуд бўлишидан қатъий назар қуйидаги уч вазифани: авлодни давом эттириш, рўзғор юритиш, бола тарбиялашдан иборат асосий вазифани бажаради. Шу вазифаларга кўра оила тараққиёти жамият тараққиёти билан узвий боғлиқдир. Ҳар қандай жамиятнинг обруси иқтисодий-ижтимоий тараққиёт даражаси билан ўлчанади. Бу эса оиларнинг ижтимоий иқтисодий турмушида ва уларнинг қадрланиш даражасида ўзининг мужассам ифодасини топади.

Давлатнинг асосий бойлиги унинг халқидир. Бизни келажагимиз ёш ва жисмонан соғлом авлодни вужудга келтиришимизга бориб тақалади. Шундай экан, жамиятда ва оилада аввало аёл кишининг ижтимоий аҳволини яхшилаш уни қонун билан ҳимоялашни талаб қилади.

Социализм аёлни арзон ишчи кучига айлантириб қўйган эди. Агарда жумҳуриятимиз аҳолисининг 50,6 фоизини хотин-қизлар ташкил қилса, шуларнинг 45 фоизи жумҳуият миқёсида ҳақиқий ишлаётганларни ташкил қилади. Республикамизда соғлиқни сақлаш, маиший хизмат, савдо, ижтимоий таъминотда, маданият ва санъат, фан соҳасида аксарият аёллар меҳнат қиладилар. Социализм амалиёти аёлни ижтимоий меҳнатга кератидан ортиқча жалб қилиш билан унинг асосий вазифаси бўлмиш оиладан узоқлаштириб юборди, ҳатто оиланинг, аёлнинг асосий вазифаси — бола тарбиясини ҳам жамиятга юклаб қўйди.

Агарда биз тараққий этган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқадиган бўлсак, ижтимоий меҳнатдан кўра аёлнинг оилада кўпроқ бўлиши жамиятга анча фойда келтиради.

Ҳозирги кўп мамлакатларда жумладан, Болгарияда 3 йил, Европанинг қатор мамлакатларида 3—4 йил, Японияда 5 йил бола тарбияси учун давлат томонидан онага маош тайинланган. Ўзбекистонда ишловчи аёллар учун бола тарбиясига 3 йил берилади, бунинг фақат 1,5 йилига нафақа олади. Ҳозир бозор иқтисоднётига ўтилаётган бир даврда аёлнинг 1,5 йил нафақасиз ўтириши инсофданми?

Жамиятнинг барча ижтимоий муаммоларн иқтисодиётга бориб тақалади. Оиладаги бундай муаммоларнинг ҳам ҳал қилиниши давлатнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланишига боғлиқ. Жамият, давлат қанчалик иқтисодий жиҳатдан мустаҳкам бўлса, оила ва турмуш ўз навбатида иқтисодий ва ижтимоий тараққиётга таъсир кўрсатади.

Аввалом бор, турмуш, оила ва жамият ўзаро ахлоқий масъулият билан боғлиқдир. Оилавий муносабатлар маълум даражада мустақилликка эга бўлиб, жамият ва унинг тараққиёти билан мустақил алоқа қилади.

Биз шуни қайд қилишимиз керакки, оилада эркак ва аёл, ота-оналар билан болалар ўртасидаги муносабатлар самимий, олийжаноб ахлоқ ва инсоний фазилатларга, миллий урф-одатларга, маданиятга асосланиши лозимдир. Шу сабабли оиладаги кўп муносабатлар, яъни эркак ва аёлларнинг, ота-она ва болаларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, катталарнинг ёшларга, ёшларнинг катталарга муносабати, ҳурмати, уларнинг манфаат бирлиги, жамият олдидаги, оила олдидаги масъулиятлари ҳам лойиҳада ўз ифодасини топганда мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Оиланинг асосий бурчларидан бири бола тарбиясидир. Оилада бола шакллана боради, ота-онанинг оила аъзоларининг шахсий намуна-си бола учун дастлабки ҳаёт мактаби ҳисобланади. Халқимиз «Қуш ўз уясида кўрганини қилади» деб беқорга айтмаган. Ота-она фарзанди дунёга келтирар экан, уни миллий урф-одатлар таъсири остида жамиятга лойиқ инсонлар қилиб тарбиялашни ўз бурчи деб билиши лозим. Ота-онанинг мана шу асосий бурчи Конституция лойиҳасининг «Оила» бобида ўз аксини топса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки айрим ота-оналарнинг шу муқаддас бурчини унутганлиги туфайли болалар уйлари тирик етимлар ҳисобига тўлиб бормоқда.

Ўз навбатида ота-оналар болаларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбур бўлгандек, (61-модда) болалар ҳам вояга етгач, ўз ота-оналари ҳақида гамхўрлик қилишлари лозимдир (63-модда). Бу вазифани болаларга мажбурият қилиб қўйилиши жуда ҳам ўринли. Беоқибат ота-оналар каби беоқибат фарзандлар туфайли қариялар уйларининг тобора тўлиб бориши ўзбек халқига яраш-майдиган одатдир.

Агарда биз миллий урф-одатларимиз, қадриятларимиз нуқтаи назари билан оилага қарайдиган бўлсак, оила муқаддасдир, демак унга ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлиш талаб этилади. Оиламизга бўлган муносабатимиз, жамиятга, давлатимизга бўлган муносабатимиздир.

Мустақил Ўзбекистон ўз олдига демократик ҳуқуқий давлат қуришни олий мақсад қилиб қўйган экан, ишни аввало жамиятнинг асосий бўғинидан,яъни оиладан бошламоги даркор.

М. РАҲМОНОВА,
Тошкент Давлат Аграр университети сиёсатшунослик кафедраси доценти.

МАЪНАВИЯТ ПУЛ БИЛАН ЎЛЧАНМАЙДИ

Мен 1960 йилдан бери «Тошкент ҳақиқати» газетасига обуна бўлиб келмоқдаман. Демак, 32 йилдан бери мен газета билан ҳамсуҳбат бўлиб қолганман. Дарвоқе, газетадаги мақола, хабарларни ўқиб ўзим ҳам кичик хабарларим, мақолаларим билан қатнашиб, муҳаррирлиятдан моҳир қаламкашлардан анча-мунча нарсаларни ўргандим ҳам. Газета саҳифаларида мақола, хабарларим босилиб туришидан мамнуман.

Бугунги кунда газеталарнинг нархи ошиб кетгани обуначиларни оз бўлса-да, ўйлантириб қўйди. Лекин чинакамига газетхон бўлиб қолган кишилар «Керакли тошнинг оғирлиги йўқ» деганларидек 1993 йилга обуна бўлдилар. Бугунги кунда Ўзбекистон тарихи, «Одобнома» дарсларини ўтаётганимда «Тошкент ҳақиқати» саҳифаларида бериб борилаётган ахлоқ-одоб, тарихий шахслар ҳақидаги мақолалар жуда фойдали бўлмоқда.

Шу ўринда айрим кишиларга ҳайронман. Бир литр ароқни 250—300 сўмга, 60—80 сўмдан бир қути сигарета олиб саломатликларини заҳарлайдилар-ку, обуна оғирлик қиларми?. 366 сўмни аямай газетага обуна бўлинса бир йил газета олиб оилалари билан маърифатдан хабардор бўлишлари мумкин-ку!

Инсон маънавияти, дунёқарашини пул билан ўлчайдиган кишилар маънавий қашшоқ бўлиб қолишларини ўйламасалар керакда. Инсон қорнига эмас, қадри-қиммати-га йиғлаши керак.

С. СУЛТОНОВ,
ўқитувчи.

ТЎЛДИРИЛАДИГАН ЖОЙЛАРИ БОР

Тошкент вилоят прокуратураси маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси муҳокама қилинди. Муҳокама бўйича биринчи машғулотга ТошДЮИ давлат ва ҳуқуқ назариясы кафедрасининг ўқитувчиси, юридик фанлар номзоди Г. М. Таниқбоева таклиф этилди. Кейинчалик лойиҳа муҳокамалари прокуратура маҳкамаси таркибий бўлинмалари оператив ходимлари томонидан ҳам ўтказилди.

Лойиҳада «Ўзбекистон Республикасининг Президенти» ҳақидаги XIX боб-нинг 92-модда 11-бандида **«Ўзбекистон Республикасининг Президенти вилоят, туман, шаҳар ва хўжалик судларининг судьяларини тайинлайди ва лавозимларидан озод этади»** деб кўрсатилган. Бу қонда судьяларнинг масъулиятини оширади ва у жуда ихчам, лўнда баён этилган деб ҳисоблайман.

«Лойиҳа суд ҳокимияти» ҳақидаги XXIII бобнинг 108-моддасида Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди аъзолари 10 йил муддатга сайланиши кўрсатилган. Лекин бунда Республика Президенти, шунингдек Республика Бош прокурори ҳам 5 йил муддатга сайланишини ва бир Президент даврида сайланган юқорида зикр этилган шахслар ўз вазифаларини кейинги Президент даврида ҳам узвий тарзда бажаравершлари мумкинлигини чуқурроқ талқин қилиш керакка ўхшайди.

«Прокуратура» ҳақидаги XXIV бобнинг 3-қисми 117-моддасини **«... транспорт, ҳарбий прокурорлари ҳамда туман ва шаҳар прокурорларига тенглаштирилган бошқа прокурорлар»** сўзлари билан тўлдириш керак, чунки тақдим этилган таҳрирда уларнинг тақдири белгиланмаган. Ваҳолаки, бу турдаги прокуратуралар мавжуддир.

«Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар» ҳақидаги IX бобнинг 36-модда 1-қисмини бизнинг фикримизча, вояга етмаганлар ва ёшларни ишга жойлаш учун иш жойларининг маълум қисмини банд этиш лозимлиги ҳақидаги кўрсатмалар билан тўлдириш зарур. Маълумки, ҳозир бу тоифадаги кишилар аҳолининг энг кам ҳимояланган қисмини ташкил этади.

А. МАННОНОВ,
Тошкент вилоят прокурори.

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИНИ БЕЛГИЛАЙДИ

ЎЗБЕКИСТОН маданият ходимлари малакасини ошириш институтида бўлиб ўтган йиғилиш Ўзбекистон республикаси Президенти И. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласига бағишланди. Унда иштирок этган профессор-ўқитувчилар ушбу асар ҳақида ўзларининг ижодий фикр ва мулоҳазаларини билдиришди. Йиғилишда сўзга чиққан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, фалсафа фанлари доктори, профессор Қўчқор Ҳоназаров рисоланинг давр руҳига мос равишда ёзилганлигини таъкидлади. Профессор Насриддин Зайниддинов Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва тарихий тараққиётни белгилаб беришда бу асарнинг аҳамияти катта эканлигини айтди.

Китобчада баён этилган Ўзбекистоннинг тараққиёт йўли жумладан, саноатнинг ривожи, уни автоматлаштириш, кадрлар масаласи, савдо муаммолари ва фуқаро жамияти тузиш йўллари, иқтисодий эркинлик каби масалалар йиғилишда иштирок этганларнинг диққат-эътиборини ўзига жалб этди.

Йиғилишда институт ректори С. Каримов, ректор ўринбосари Э. Аслонов, К. Расулов ва доцент Б. Аминовлар қатнашиб рисола ҳақида ўз фикрлари билан ўртоқлашдилар.

И. АБДУРАҲМОНОВ.

• 92-ЙИЛ ҲОСИЛИ •

ШУ КУННИНГ МАВЗУСИДА СУҲБАТ

ТОЛА БЎЛСА— ҲАММА НАРСА БЎЛАДИ

УТТИЗ ТЎРТ МИНГ ТОННАЛИК ПИСКЕНТ ХИРМОНИ АЛБАТТА БУНЕД ЭТИЛАДИ

Суҳбатдошимиз билан танишинг: Хушвақт ШИРИНОВ, олий маълумотли агроном, қариб 20 йилдан буён Пискентда қишлоқ хўжалик соҳасида меҳнат қилиб келмоқда. Ўз соҳасини пухта биладн. Хўжаликларда бош ҳосилот, раис, собиқ вилоят партия қўмитасида эса қишлоқ хўжалик бўлимида етакчи мутахассис лавозимларида ҳам фаолият кўрсатган. Деҳқонлар ўртасида қишлоқ хўжалиги, айниқса, пахта илмининг билимдони сифатида танилиб, обрў-эътибор қозонган. У айни вақтда район ҳокимининг қишлоқ хўжалиги бўйича ўринбосари лавозимида меҳнат қилмоқда.

Яқинда мухбиримиз у билан учрашиб суҳбатлашди.

АВВАЛО шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, районимиз деҳқонлари бу йил ўта мураккаб об-ҳаво шароитида ҳосил етиштирдилар. Шахсан мен мутахассис сифатида ўзимнинг кўп йиллик фаолиятим давомида табиатнинг бу қадар оғир синовларини биринчи бор кузатишим. Аслини олгандаку, деҳқон учун осон, машаққатсиз йилнинг ўзи бўлмаган.

Лекин, бу йилги қийинчиликлар умуман ҳар қачонгидан оғир бўлди. Эрта баҳорда мавжуд майдонларнинг қарийб 4500 гектарини икки қайта бузиб, чигит экишга тўғри келди. 1800 гектар ерга эса учинчи марта барака уруғи қадалди. Униб чиққан ғўза ниҳоллари ҳам 30—35 кун муттасил давом этган ёғингарчилик остида ривожланишдан орқада қолиб ётди. Бунинг устига баъзи районлар табиий офатдан бир марта зарар кўрганда, биздаги А. Навоий, «Ўзбекистон мустақиллиги» ва «Қирқизобод» номли жамоа хўжалиги далаларидаги экинларни кетма-кет уч бор дўл урди. Бунга қўшимча қилиб ёз давомида пахтанинг йилдагига нисбатан 200—220 градус кам иссиқлик билан таъминланганлигини ҳам айтиш керак.

Кўриниб турибдики, деҳқонларимиз одатдагидан анча кўп машаққат билан меҳнат қилдилар. Бундан асло кўз юмиб бўлмайди. Чекилган ўта оғир қийинчиликлар туфайлигина биз кутган натижага эришдик. Далаларимизда режадаги, ҳатто ундан ҳам кўпроқ ҳосил етиштирилди. Шунинг учун деҳқонларимизнинг қилган заҳматли меҳнатларига яраша манфаатдор бўлишларини таъминлаш мақсадида пахтани йиғиштириб олишда шошқалоқликка, пала-партишликка йўл қўймаяпмиз. Бунда районимизнинг асосан пахтачиликка ихтисослашганлигини, ҳозирги бозор шароитидаги қийин даврда кўпроқ мана шу экиндан келадиган даромадга кўз тикиб турилганлигини ҳам алоҳида ҳисобга олган ҳолда иш юритаяпмиз.

Одамлар манфаатдорлигини ошириш учун эса биринчи навбатда шак-шубҳасиз сифатли пахта тайёрлаш керак.

Чунки, чет мамлакатларни кўя турайлик, ҳозирги кунда ҳамдўстликдаги давлатларда фаолият кўрсатаётган ҳар қандай биржа вакили ҳам энг аввал тола сўраяпти. Демак, сифатли тола бўлса, исталган турдаги маҳсулотларни ҳам топиш мумкин бўлади. Ўтган йили хўжаликларга ўзлари етиштирган ҳосилларидан 5 фоизини эркин сотиш ҳуқуқи берилган эди. Бу қулайликдан самарали фойдаланган биздаги айрим хўжаликлар яхшигина манфаатдорликка эришдилар.

Хусусан, Охунбобоев номли жамоа хўжалиги режадан ортиқча 230 тонна пахтани эркин сотиш ҳисобига қўшимча 17 миллион сўм даромад қилди. Бу йил эса Президентимиз Фармони билан хўжаликларга етиштирилган ҳосилларидан 15 фоизини эркин сотишга рухсат этилганлиги бу борадаги қўшимча даромад қилиш имкониятларини янада кенгайтиради. Агар мана шу нуқтаи назар билан ёндашиб, чамалаб кўрадиган бўлсак, районимиздаги энг йирик —«Пискент» жамоа хўжалиги бу йилги ҳосилидан рухсат этилган фоизини сотса қўшимча 100 миллион сўм фойда кўриши мумкин. Кўриниб турибдики, шунча пул билан ҳозирги қийин даврда хўжалик меҳнат аҳлини бемалол ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қила олса бўлади.

Бизда пахтани эркин сотиш борасидаги имкониятлар эса анча кенг. Айрим хўжаликларимиз жумҳуриятимизда фаолият кўрсатаётган турли биржаларга аъзо бўлиб олишган. Улар ўзларининг брокерлик идораларига ҳам эгалар. Баъзи бир хўжаликларимизда етиштирилган пахтани ўзларида қабул қилиб олиш ва дастлабки босқичини қайта ишлаш имкониятлари ҳам бор. Бу гаплар Исиддин Ҳайдаров, Охунбобоев номли жамоа хўжаликларига ҳамда «Пискент» ва «Дўстлик» давлат хўжаликларига тааллуқли. Бу жамоалар ўзларининг пахта қабул қилиш пунктларига эга. Биз бу йилги шароитда ўзимиздаги мавжуд барча имкониятларни ҳисобга олган ҳолда фаолият кўрсатаяпмиз. Шу мақсадда етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олиш бўйича мавсум бошидаёқ алоҳида тадбирлар ишлаб чиқдик. Пахта тайёрлашда асосан сифатга эътибор беришга келишиб олганмиз. Шунинг учун пахта теримига ҳар йилдагидан анча барвақт, вилоятда биринчи бўлиб киришдик. Қўл терими жуда эрта бошлаб юборилди. Ҳатто айрим хўжаликларда дефолиациядан ҳам олдинроқ ҳосилнинг дастлабки мисқолларини йиғиштириб олиш йўлга қўйилди. Мутахассислар яхши билишади: ғўзанинг биринчи навбатда энг пастки қисмидаги кўсаклари пишиб етилади. Аслини олганда мана шу қуйи чаноқлардаги пахтанинг сифати баланд бўлади. Толаси ҳам ўта пишиқ ҳисобланади.

Лекин, уч-тўртта чаноқдан иборат эканлиги учун уларни йиғиштириб олишга кўпгина хўжаликларда у қадар жиддий эътибор қилинмайди. Кўсакларнинг тўлиқ очилиши кутилади. Натижада пастки қисмдаги ўша илк бор очилган чаноқлардаги пахта ҳосили барвақт пишиб етилганлиги туфайли дефолиация пайтида эгатлардан юрадиган ОВХларнинг эҳтиёт қисмларига тегиб, ерга тўкилиб кетади. Сўнг биринчи терим вақтида агрегатларнинг ғилдираклари ва теримчиларнинг оёқлари остида эзилиб, маълум вақт тупроққа қоришиб ётади. Шу тариқа энг сифатли ҳисобланган, олий навга топшириш мумкин бўлган сара ҳосил йиғим-теримнинг охирида кўрак сифатида ердан олиниб, нари борса тўртинчи навга топширилади. Биз бу йил мана шу пастки чаноқлардаги эрта пишиб етилган ҳосилни тушиб кетишига ҳам йўл қўймадик. Уларни қулай шарт-шароитларда нам теккизмасдан, ўз вақтида йиғиштириб, юқори навга топшириб олдик. Буни пахтакорларимизнинг ' катта ютуқлари деб ҳисоблайман. Шу тариқа қўл теримини барвақт бошлаганимиз туфайли мавсум бошида кунлик пахта тайёрлаш суръатининг ўсишида вилоятимиз районлари ўртасида чиндан ҳам бир муддат юқори кўрсаткичга эришиб турдик. Айрим қўшни районларда пахтани 50—60 фоиз очилиши кутиб турилиб, сўнг машина теримига зўр берилди. Ва кунлик ўсиш бўйича улар биздан анча илгарилаб кетишди. Бундай бўлишини ҳам биз аввалдан билар эдик. Албатта, терим агрегатларидан ҳам самарали фойдаланишга ҳаракат қилдик. Пахтаси қийғос очилган майдонларда техника кучидан унумли фойдаланилмоқда. Лекин шунда ҳам агрегатларнинг пахтани териш мосламалари оралиғидаги масофа кескин қисқартириб юборилган эмас. Улар фақат тўлиқ пишиб етилган ҳосилни териб олишга мослаштирилган. Очилиш арафасида турган ёҳуд чала очилган кўсакларга умуман шикаст етказилмади. Ҳолбуки, кунлик суръатни ўстириш мақсадида агрегатларнинг териш мосламалари оралиғини кескин қисқартириш ҳисобига ҳар қандай эндигина тиш ёрган кўсакдаги ҳосилни ҳам йиғиштириб олиш мумкин. Лекин бундай қилиш — пахта сифатини бузиш кимга керак? Табиийки, бу йўл ўзини оқламайди.

Биз терим агрегатлари фаолиятидан унумли фойдаланган ҳолда шу кечакундузда ҳам ҳамон пахтани қўлда териб олишга асосий эътиборни қаратяпмиз. Одамларни кўпроқ манфаатдор қилиш мақсадида ана шу йўл биз учун истиқболли бўлиб турганлигини юқорида айтиб ўтдим. Чунки, раҳбар учун етиштирилган ортиқча ҳосилни эркин сота олиш имкониятлари яратиб қўйилган ҳозирги оғир иқтисодий даврда пахтанинг пайкаллардан режада кўрсатилган қисмини териб олиш жараёнида халқнинг ўз чўнтагига қоладиган ортиқча миқдорини бой бериб қўйиш менимча, адолатдан бўлмайди. Бизда ҳозирнинг ўзидаёқ қўл теримидан одамлар яхшигина манфаатдорликка эришишяпти. Теримда қатнашаётганларга хўжаликлар ўз имкониятларидан келиб чиқиб анча юқори баҳода ҳақ тўлашяпти. Хусусан, «Ўзбекистон мустақиллиги» ва «Қирқизобод» жамоа хўжаликларида бир килограмм пахта учун 8 сўмдан, «Дўстлик» давлат хўжалигида эса 7 сўмдан пул берилянти. Охунбобоев номли жамоа хўжалигида эса мавсум бошлангандан орадан икки ҳафта ўтар-ўтмас бир килограмм пахта учун 10 сўмдан нарх жорий қилинган Бу ерда пахта йиғим-терида қатнашаётган ҳар бир жамоа аъзоси ёки ҳашарчи кунига ўртача ҳисобда 1000—1200 сўмдан пул ишлаб топаяпти.

Одамларни аввалгидай пахта йиғим-теримига мажбуран даъват этиш ҳолларига бизда бутунлай чек қўйилган. Меҳнати қадрланаётганлигини пайқаган аҳолининг ўзи ёппасига пахтазорга ошиқмоқда. Етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олиш ҳал қилувчи босқичга кирган ҳозирги кунларда район ҳокими А. Носировнинг бутун Пискент халқига дўстона, самимий қилган мурожаатидан сўнг далага ошиқаётган кишилар сони кун сайин ортиб борди. Деҳқонларимизга етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олишда Оҳангарон, Қибрай, Бўстонлиқ, Олмалиқ ва Ангрен район ҳамда шаҳарларининг ҳашарчилари ҳам яқиндан ёрдам беришяпти. Белига этак тутиб, қалб амри билан далага чиққан ҳар бир теримчи учун лозим бўлган шарт-шароитни яратиб бериш пайидан бўлишяпти. «Қирқизобод», «Ўзбекистон мустақиллиги» ва Охунбобоев номли жамоа хўжаликлари дастлабки довонни эгаллаш арафасида туришибди.

Қийинчиликлар ҳам йўқ эмас, қизғин паллада режада кўрсатилган ҳосилнинг залворли юкини тортиш ҳамма хўжаликларда ҳам бирдай осон кечмаяпти. Биз булардан қатъий назар, ҳамма нарсага, ҳатто эртага фавқулодда юз бериб қолиши мумкин бўлган ноқулай об-ҳаво шароитидаги юзага келадиган мураккабликларни ҳам имкон қадар енгишга шай турибмиз. Қолаверса, илож қанча, йил шундай оғир келди. Қийинчиликлардан қатъий назар, маррани эгаллашимиз керак. 34 минг тонналик Пискент пахта хирмони ҳеч шак-шубҳасиз бунёд этилади. Бунга бизнинг имонимиз ҳам, ишончимиз ҳам комил.

Суҳбатдош Иброҳим ТОШЕВ.

ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

● **БИРЛАШГАН Миллатлар Ташкилоти маориф, фан ва маданият масалалари ташкилоти (ЮНЕСКО)нинг Бош котиби Федерико Майор билан Африка Бирлиги Ташкилоти (АБТ)нинг Бош котиби Салим Аҳмад Салим қўшма баёнот қабул қилиб, Шарқий Европа мамлакатларида ва янги мустақил давлатларда таълим олаётган 20 мингдан ортиқ африкалик талабаларга ёрдам беришга даъват этдилар. Баёнотда айтилишича, дунёнинг ушбу минтақаларида кундан-кун оғирлашиб бораётган иқтисодий-сиёсий вазият африкалик талабаларнинг турмушига ва таълим олишига салбий таъсир қила бошлади. Кўп ҳолларда янги давлатлар аввалги ҳукуматлар имзолаган шартнома ва битимларни бажаришдан бўйин товламоқдалар.**

● **РОССИЯ президенти Борис Ельцин 9 ноябрь куни Лондонда мухбирлар билан учрашув чоғида «Ҳамдўстлик мамлакатлари собиқ Совет Иттифоқининг ташқи қарзини тўлашни ўзаро келиша олмаяптилар, тўловлар тизими яхши ишлаб чиқилмаган, шунинг учун Россия СССРнинг ягона ворниси сифатида унинг барча ташқи қарзларини тўлашни ўз зиммасига олади ва чет эллардаги маблағга тўлиқича даъвогарлик қилади», деб айтди.**

Россиянинг ўз пулини жорий этмасдан эски пул тевараги да юритаётган ҳуфёна сиёсатининг асосий мазмуни ушбу даъвода мужассамдир. Чунки, пул мамлакатнинг яхлитлигини ва хазинанинг эгаси Россия эканини англатади.

Ахборот маҳкамалари ушбу янгиликни шарҳларкан, Россия улуғ салтанатчилик сиёсатидан бутунлай воз кеча олмаяпти, деб ёздилар.

● **РОССИЯ Федерацияси президенти Борис Ельцин Венгрияга ташриф буюрди. У мамлакат президенти Арпид Генц, Бош вазир Йожеф Антал билан музокаралар олиб борди. Венгрия-Россия алоқаларига оид бир неча янги ҳужжатлар имзоланиши маросими бўлиб ўтди.**

● **МОЛДОВА Республикаси президенти Мирча Снегурнинг Хитой Халқ Республикасига уч кунлик ташриф ниҳоясига етди. Ташриф чоғида Хитой билан Молдованинг янги алоқаларига оид бир неча муҳим ҳужжатлар имзоланди.**

● **ҲИНДИСТОН хавфсизлик кучлари сўнгги уч ой мобайнида мамлакатнинг Жамму ва Кашмир штатида 289 жангарини ўлдирдилар ва 2.000 кишини қамоққа олдилар. Узлуксиз тадбирлар чоғида 45 полициячи ва ҳарбий хизматчи ҳалок бўлди. Шу муддат ичида баттоллар маҳаллий ва марказий ҳокимият билан ҳамкорлик қилган 137 фуқарони ўлдирдилар. Ушбу маълумотлар «Нэшнл геральд» рўзномасида эълон қилинди.**

Ҳозирги вақтда Жамму ва Кашмирда штатни Ҳиндистондан ажратиб олиб, мустақил давлатга айлантиришга интилаётган мусулмонлар ва сиқҳлар ҳукуматга қарши қуролли қураш олиб бормоқдалар. Бузғунчиларнинг бир гуруҳи эса штатнинг Покистонга қўшилиши тарафдоридир. Шунинг учун бўлса керак, Деҳли маъмурияти Покистон ҳукуматини мамлакатнинг ички ишларига аралашишда ва исёнчиларга мадад беришда айблаб келмоқда.

Мана қарийб қирқ йилдирки, Ҳолистон давлатини тузиш куи тартибдан тушмай турибди. Ўтган йиллар мобайнида, деб хабар беради Рейтер ахборот маҳкамасининг мухбири, ҳукумат кучлари 89 минг мусулмон ва сиқҳни ўлдирдилар.

Масала ҳал бўлмасдан қолаётгани туфайли Жамму ва Кашмир штатида кескин вазият сақланиб турибди. Сўнгги икки кун ичида 13 баттол ва полициячи ҳалок бўлди, деб хабар беради ЮПИ ахборот маҳкамаси.

● **МЕКСИКА қўшма штатлари пойтахти — Мехикода иш бошлаган халқаро тиклаш ва тараққиёт банки илтимосига кўра Мексика ҳукумати уюштирган халқаро семинар шарқий Европа мамлакатларида ва собиқ совет республикаларида давлат корхоналарини хусусийлаштириш муаммоларига бағишланди. Анжуман иштирокчилари ҳузурида нутқ сўзлаган Мексика президенти Карлос Салинас де Гортари ушбу мамлакатлар бу босқичдан ўтган ёҳуд хусусийлаштиришни тугаллаш арафасида турган кўпгина давлатларнинг тажрибаларини кўр-кўрона кўчириб олмаслиги шарт эканини уқтирди ва бу жараён ижодий ёндашишни талаб қиладиган иқтисодий-сиёсий жараёндир, деб айтди.**

СУРАТЛАРДА: Акмал Икромов номли жамоа хўжалиги раиси Абдукарим Тошматов Ўсканбой Усмонов бошлиқ бригаданинг илғор теримчилари билан мулоқотда; Ўсканбой ака (ўнгда) бригада механизатори Холтурсун Раимқуловдан беҳадминнатдор. У машина терими пешқадамларидан биридир.

ИШИДАН КЎНГЛИ ТЎЛАЁТГАНЛАР

ЎРТАЧИРЧИҚ РАЙОН ҳокимиятида биринчи бўлиб масъул ходимлардан бири Суярқулни учратдим. Эгнида пахталик чопон, столга энгашганича нималарнидир ёзаётган экан. У ҳар қачонгидан очиқ чеҳра билан, самимий сўрашди. Кўзларида бироз хорғинлик сездим. Бунинг боиси маълум. Йиғим-терим маҳалида энг кам ухлайдиганлар штаб аъзолари бўлишади. Кечаю кундуз далада — ғоҳ теримчилар орасида, ғоҳ пунктда, ғоҳо машиналар паркида муаммоларни ҳал этишади. Ҳашарчилар ҳузурида бўлиб, уларнинг илтимослари, талабларини тинглашади. Имконият борича, ёрдам кўрсатишади. Тун ярмидан оққанда эса бугунги юмушдан қутулгандек бўладилар. Кейин бир-икки соат чамаси ҳокимиятнинг ўзида жойлашган «иккинчи уй»ларида мизғиб оладилар. Эрта тонгдан яна пахта ташвиши билан яшай бошлайдилар.

Суярқул Қурбонқулов ҳам ана шу муҳитга ўрганиб кетган. Бундай «фронт шароити»да биринчи бор яшамаётганлиги учун унча-мунча оғирликни оғирлик демайди. Шу боисдан бўлса керак, бизга ҳам чарчаганини билдирмасликка интилиб:

— Омадингиз бор экан, ҳокимимизни жойларидан топадиган бўлдингиз, ҳозиргина штаб йиғилиши тугаб, ҳамма тарқалиб кетди. Мирзамурод Бердимуродович ҳам далага отланиб турувдилар,— деди.

Режаларимни айтиш учун ҳоким хонасига кирдим. Бир вақтлар Ўртачирчиқ райони раҳбари бўлган Мавлон ака Эгамбердиев ҳам шу ерда экан. Ёши 75 га борса ҳам, ҳали паҳлавон йигитлардек бардам бу киши ҳокимликка тез-тез келиб туради. Бежиз эмас, шогирдларини соғинади. Уларни бир-биридан ишчан, зукко, элпарвар қилиб қаноти остида оёққа қўйган. Шогирдлари кам эмас. Ҳоким Мирзамурод Икромов, унинг муовинлари Мирзаҳўжа Қалқулов, Ҳамид Норқулов, Исматилла Неъматиллаев,.. Бугун отанинг ана шу издошлари каттта бир районни бошқаряптилар. Мураккаб шароитда ҳам район аҳлини тўқ ва фаровон яшаши учун самарали тадбирларни амалга оширмоқдалар.

— Шунқорларим билан фахрланаман,— дейди Мавлон ака — кўнглим чопиб ҳормангилар, деб қўяй, деб йўлга чиқдим.

— Миннатдорман,— деди ҳоким,— сиздек фахрий отахонлар ҳолимиздан хабар олиб туриши биз учун катта мадад. Оталар изидан боришга, уларнинг яхши анъаналарини давом эттиришга ҳаракат қиляпмиз.

Устоз ва шогирд суҳбатининг маромн пахта мавсумига кўчди. Биз ҳам режаларимизни ойдинлаштириб олдик ва далага отландик.

...Районда ҳали ёш хўжалик ҳисобланган «Қайтмас» жамоа хўжалигининг раиси Муҳаммадолим Убайдуллаев билимдон, тажрибали раҳбарлардан. Шунинг учун ҳам бир йилнинг ичидаёқ жамоа меҳнаткашларининг иши юзага чиқди қўйди. Айрим жиҳатлардан рўзгори етарлича бут бўлмаса ҳам, одамларни уюштириб, аниқ мақсадга йўналтириш, бор машиналардан унумли фойдаланиш, энг муҳими, мутахассислар билан бамаслаҳат ишлаш туфайли кўзланган довонга эришилди. Хўжаликдаги 567 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 27 центнердан ҳосил етиштирилди. Режа бажарилди.

Раис бир нарсадан мамнун. Баҳорнинг серташвиш кунларида сел остида қолган пайкалларга қайта чигит экиш кезларида бирон кишининг нолиганини эшитмади. Ҳар бир колхозчи умид билан яшади. Бош ҳосилот Исмоил Қурбонқулов бригада бошлиқлари Жўравой Мусаев, Ботир Шерматовлар куну тун далада бўлдилар. Кези келганда тунларни бедор ўтказиб меҳнат қилдилар.

Машаққатлар эвазига бир текис униб чиққан ғўзаларга сифатли ишлов беришдан ҳеч ким эринмади. Ниҳоят, деҳқон пешона тер тўккан далалар саҳоватини аямади. Ҳар туп ғўза шиғил кўсак боғлади.

Лекин, ҳали қувончга эрта эди. Гул-гул яшнаб турган ниҳоллар танасига ўргимчаккана ёпишганди. Бундай балони даф этиш унчамунча пахтакорнинг қўлидан келавермасди.

— Агротехникавий тадбирларни заррача ҳам бўшаштирмаслик керак,— деди раис фаоллар йиғилишида.— Не-не азоб билан йиғилган ҳосилни зараркунандага бериб қўядиган аноий йўқ.

Худди шундай бўлди. Билим, тажриба, бригаликдзги меҳнат туфайли пайкаллар зараркунандалардан ҳоли этилди. Майдонларда пахта кейин терим бошланди. Эндиликда бугунги кунга қадар Ботир Шерматов бошлиқ бригадада машинада 120 тонна пахта териб қўйган Нуриддин Давлатов билан ёки ҳар бири мавсумда 2—2,5 тоннадан пахта териб бошқаларга намуна бўлаётган Сафия Ойнақулова, Инобат Шерматова, Сафаралн Мўминовлар билан суҳбатлашиб қолсангиз: «Барча қийинчиликлар ортда қолди, ҳосилни сўнгги мисқолигача йиғиб олсак, бўлгани» дейишади.

● **СУРАТДА: (чапдан ўнг га) «Қайтмас» колхози бош ҳосилоти Исмоил Қурбонқулов, бригада бошлиғи Шермат Ботиров ҳамда механизатор Нуриддин Давлатовлар ўзаро суҳбатда. В. ХАРИТОНОВ олган суратлар.**

«Қайтмас»чиларнинг кўтаринки кайфият билан ишлаётганларича бор. Улар рўзғор ташвишлари учун безовта бўлишмайди. Ҳокимлик рандаги Ким Пен Хва номли колхоз пахта заводида ишлаб чиқарилаётган пахта ёғи билан барча хўжаликлар қатори деҳқон оилаларни таъминлаб турибди. Шакар ва бошқа маҳсулотлар бевосита дала меҳнаткашларига тақсимлаб берилмоқда.

— Шундай шароит бўлгандан кейин ишлаймиз-да,— дейди механизатор Шерали Тонгатов.— Худо хоҳласа, ҳосилнинг бир граммн ҳам ерда қолмайди.

«Қайтмас»да Шерали каби айтган сўзидан қайтмайдиганлар кўп. Шундайлар бор экан, хўжалик хирмонига барака кираверади.

...Биз Акмал Икромов номли жамоа хўжалигининг Ўсканбой Усмонов раҳбарлигидаги бригадада ҳам бўлдик. Раис Абдукарим Тошматов ва Ўртачирчиқ район ХДП кенгаши биринчи котиби Исматилла Неъматиллаевлар билан бирга дала айландик. 65 гектар майдонда 35 центнердан ҳосил йиғиштириб қўйиб режани 130 фоиз бажарган Ўсканбой ака билан суҳбатлашиш мароқли эди.

— Худо берди,— деди Ўсканбой ака кулиб.— Энди йиғиб-териб олсак, бас.

— Албатта, йиғиб оламиз,— дейди раис суҳбатга қўшилиб,— теримчиларингиз ҳаммаси даладами?

— Ҳаммаси далада.

— Механизаторчи?

— У пастдан териб келяпти, ҳозир биз томонга чиқади.

— Демак, ҳамма иш жойида. Суръат бўшашмаслиги керак.

— Бўшашмайди, оқсоқол, буни етиштиришнинг ўзи бўлмади-ку, ахир.

Далада механик ҳайдовчи Холтурсун Раимқулов билан ҳам суҳбатлашдик. У шу кунга қадар 150 тонна ҳосилни пўлат этакдан тўкибди. «Ҳали ниятларим катта» дейди Холтурсин. Ҳаво туриб берса, даладан чиқиш йўқ.

Ўсканбой ака бизга кўп минг килограммчилар Зубайда Абдурасулова, Мовлуда Турдибоева, Муҳтарам Эргашевалар ҳақида ҳам гапириб берди.

— Яшанг, Ўсканбой ака, барака топинг,— деди раис у билан хайрлаша туриб,— Ишингизга ҳамиша ривож тилаймиз. Хирмонингиз яна ҳам баландроқ уюлаверсин.

— Раҳмат, оқсоқол. Айтганингиз келсин,— деди Ўсканбой ака.

Шунда мен раисга ҳам, бригадирга ҳам разм солдим. Ишидан кўнгли тўлган кишиларнинг чеҳралари қуёшдек ёришиб кетар экан.

Сандвали ҲАСАНОВ.

РЭКЕТЧИЛАР

ЁКИ ИЧКИЛИКБОЗЛИК ТУФАЙЛИ РЎЙ БЕРГАН АЙРИМ ЖИНОЯТЛАР ҲАҚИДА

Илгари баъзилар бизни давлатнинг ўзи боқиб олади, деб номигагина ишлаб юришарди. Энди давлатимиз мустақил бўлди, қонун-қоидалар ўзгарди. Ҳозир ҳам кимлардир ишонсангиз, меҳнат қилмасангиз одамлардек яшашингиз қийин. Айниқса, нарх-навоолар ошиб турган пайтда дангасалик қилганлар ёз бўйи ашула айтиб, қишда бошпанасиз қолган ниначининг ҳолига тушадилар.

Лекин қўнгилларининг бир чеккасида ёмонлик ғимирлаб турадиган айрим кишилар меҳнат билан пул топишни эмас, бировларнинг тайёр топиб қўйганларини тортиб олишни ўйлайдилар. Эндигина 23 ёшга кириб, 2 марта судланишга улгурган Баҳодир Аҳмедов шундай нусҳалардан чиқиб қолди. Қарангки, ўғри ўғри билан қоронғуда топишади, деганлари тўғри экан: Баҳодир Тошкент шаҳрида бировнинг «ВАЗ-21063» маркали автомашинасини олиб қочиб, тўғри Бекобод районидаги хўжаликларнинг бирида яшайдиган, ўзи сингари икки бор қамалиб чиққан ўртоғи Абдураҳим Мадаминов олдига келади. Икки «ҳамкасб» Бекобод район марказий шифохонсида қоровуллик қилаётган Неъматжон Алимовни «йўқлаб» боришади. Албатта, бундай тонфадаги улфатлар йиғилганда ўртага сўзсиз шиша қўйилади. Улфатлар бўғизларидан чиққунча ароқ ичишди. Шу пайт даврадаги Иномжон Деҳқоновдан «ақлли» маслаҳат чиқди:

— Бир пайтлар Н. исмли одам билан бирга ишлаган эдим. Таҳминимча, унинг отасида 50—60 минг сўм пул бор-ов. Жуда бадавлат яшайдилар.

— Бўлди, ўшанинг уйини босамиз!

Улфатлар гарчи кайф бўлсалар-да, ҳушлари жойида эди. Бўлмаса 2 та ов милтиғи, пичоқлар билан қуролланиб, юзларига ниқоб кийишмасди, кўзларига кўзойнак тақишмасди. Улар бу ишларни онгли равишда, жиноят қилиш мақсадида амалга оширишган.

Тун. Уйдагилар ширин уйқуда. «Рэкетчи»лар ўзларини чет эл фильмларидаги қаҳрамонлардек ҳис этишиб, ҳовлига ошиб тушишди. Айвонда ҳеч нарсадан бехабар Э.нинг набираси З. ухлаб ётарди. Босқинчилар уни қўрқитиб, устига кўрпа ташлайдилар ва она-бола ухлаётган хонага киришади. Ҳали уйқулари очилмаган уй эгалари ўзларига ўқталиб турилган милтиқ ва пичоқларга даҳшат билан тикилишди.

— Қани, 20 минг сўм пул, тилла тақинчоқларингни тайёрла!

Уй эгалари бизда бунча пул йўқ, дейишди. Овлари бароридан келмаган босқинчилар тепага икки марта ўқ отишди. Ўқ овозига оила бошлиғи Э. югуриб чиқди. Лекин босқинчиларга бас келиб бўлмасди. Улар 500 сўм пул ва набиралари З.ни гаров сифатида олиб кетишди, агар бола керак бўлса 20 минг сўм тайёрлаб қўйишларини талаб қилишди.

Бекобод шаҳар ички ишлар бўлими ва прокуратураси ходимларининг тезкор ҳаракатлари туфайли «рэкетчи»лар икки кунга қолмай қўлга тушдилар. Бели оғримай бировлар ҳисобига яшамоқчи бўлган босқинчиларнинг ҳар бири 7 йилдан 10 йилгача озодликдан маҳрум этилдилар.

Босқинчиларнинг жазоларини тортишди. Бизни бошқа нарса ўйлантиради: бирор ишни қойил қилмай, кўча-кўйда сандироқлаб юрган айни кучга тўлган йигитларнинг юриш-туришн, ҳатти-ҳаракатлари улар яшаган маҳаллаларнинг фаоллари, жамоа хўжаликларининг раҳбарлари, ота-оналари, участка инспекторларини шубҳага солмаганлигидан афсусланамиз.

Лоқайдлик жиноятга йўл очишини унутмайлик.

А. АҲМАДЖОНОВ, вилоят прокурорининг ёрдамчиси, адлия маслаҳатчиси.

Нодира таваллудининг 200 йиллиги олдидан

ҚАЛБ ТАСКИНИ

МУМТОЗ адабиётимизда Моҳлар ойнинг ўзбек ва форс-тожик тилларида Комила, Макнуна, Нодира адабий таҳаллуслари билан яратган шеърий асарларидан иборат девонлари ўзига хос ўрин эгаллаб турибди. Жанрлари жиҳатидан ранг-баранг, мавзу бобида серқирра бу адабий мерос ғоявий мазмуни ва бадиий баркамоллиги нуқтаи назаридан ўзбек шеъриятининг ноёб дурдоналари сирасига киради. Нодира таваллудининг муборак санаси арафасида таниқли нодиршунос, филология фанлари доктори Маҳбуба ҚОДИРОВА билан жамоатчи мухбиримиз, адабиётшунос Баҳодир ВАЛИЕВ шоира ижодининг ажралмас кичик бир бўлаги, унинг «фироқномалари» хусусида суҳбатлашди.

— Маҳбуба опа, XVIII—XIX асрлар ўзбек адабиётида марсия жанрининг мазмуни жиҳатидан янги бир кўриниши вужудга келди. Бу кўриниш шоира Нодира номи билан боғлиқ бўлган «Фироқнома»дир. Суҳбатимизни «Фироқнома»нинг келиб чиқиш сабаблари ҳақидаги сизнинг фикрларингизни билишдан бошласак.

— Маълумки, 1832 йили Нодира тахминан ўттиз ёшлар атрофида эканлигида унинг заввжи Амир Умархон — Амирий ўттиз беш ёшида ҳаётдан бевақт кўз юмади. Ҳассос қалбли шоира бу оғир йўқотиш муносабати билан ўз шикаста ҳолатини девонига ёзган дебочасида шундай таърифлайди:

«...Ва ҳар гоҳки, фироқ шиддати ғалаба қилур эди, марсия, фироқнома ҳаёл қилиб, мазмунида дилхарош ғазал иншо қилур эрдим ва кўнгул иштиёқиға анинг бирла таскин берур эдим...».

Шуларнинг натижаси ўлароқ Нодира ўзига валинеъмат ва устод деб билган ёрининг вафоти туфайли ҳижрон аламларни ифодаловчи дилларни ўртовчи ғазал, муҳаммас, мусаддас, таржибанд ва таркиббанд-лар ёзган. Шунингдек, шоира «Фироқнома» деб номланган ўн банддан иборат махсус асар ҳам яратган.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, девонда фироқномаларнинг ёзилган йиллари аниқ кўрсатилмаган бўлсада, лекин уларнинг мазмунига кўра фироқномалар Амир Умархон вафотидан кейинги давр маҳсули эканлиги сезилиб туради.

— Шу ўринда мумтоз адабиётимиздаги марсия жанри билан Нодира фироқномалари ўртасидаги ўзига хос томонлар хусусида ҳам икки оғиз тўхталсангиз.

— Умуман Шарқ адабиёти тарихида марсия мустақил анъанавий жанр бўлиб, унинг намуналари талайгинадир. Марсия бирор шахснинг вафоти муносабати билан ёзилган ва ғамалам ҳамда айрилиқ дардларини ифодалаган. Бундай ҳолатдаги ҳис-туйғулар эса махсус ёзилган марсиялар орқали адабиётга кирган. Муҳими шундаки, марсиялар шахсий изтироблариниги ифодалаб қолмай, халқимизнинг қадимий урф-одатлари, расм-русумларини ҳам сақлаб келган.

Нодира фироқномаларида эса Шарқ адабиёти анъаналари давом эттирилиб, уларда лирик кайфиятлар жонли, таъсирчан баён қилинади. Айни пайтда фироқномаларда одатдаги марсияларга ўхшаш анъанавий маъшуқ, дўст, меҳрибон ота тимсоли эмас, балки ёридан айри тушган аёл тимсоли лирик қаҳрамон сифатида марказда туради.

— Демак, фироқномада лирик қаҳрамон мотам кунларини, оғир жудолик дардини бошидан кечираётган маъшуқа экан-да?

— Жуда тўғри. Нодира фироқномаларини кўздан кечирсак, бунга янада амин бўламиз. Мана, масалан, шоира шахсий фожеасининг дастлабки вақтларида ёзилган бир фироқномада.

Неча кун бўлди кетибдур ҳам анисим, ғамкашим,
Ғам биёбонида дард айтурға йўқтур бир кишим,
Мунисим, келгилки изҳор айлайин дарди дилим,
Нуқта ёзмай неча кунлардан бери қотти бошим, —

деб ёзса, шоиранинг марҳум билан ҳаёлан суҳбатлашув асосига қурилган таркиббандида:

Бўлди икки йил жудолиғимга,
Кўз тегди бу ошнолиғимга.
Ҳижрон аламида бенавомен,
Раҳм айла бу бенаволиғимга.
Бир дам сени қилмадим фаромуш,
Раҳмат мени бовафолиғимга.
Кўнглимда ҳануз иштиёқинг,
Жон ила талотуми фироқинг, —

деб ёзадики; бундан шеъринг 1824 йилда ёзилганлиги маълум бўлиши билан бир қаторда аёл қалбининг садолари ҳам эшитилиб туради.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, мумтоз шеъриятимизда ғунча кўпинча қалбга қиёс этилади. Ўз навбатида бахтнинг кулиб боқмаслиги ҳам бахт ғунчасининг очилмай қолиши тарзида ифодаланади. Нодира ҳам ўз навбатида шу тимсолга мурожаат этар экан, асл тасвир яратишга эришади. Шоиранинг ёзишича, унинг бахти худди суврат сифатида ишланган гулдек ҳаракатсиз, ҳамиша уйқуда: «Гули тасвир янглиғ ғунчаи бахтим очилмайдур».

— Лекин, шоира фироқномалари якка шахснинг ҳаётий фожеасини қоғозга туширишдан иборат бўлмай, бизнингча, ҳаёт неъматларини ғанимат билиб, ундан баҳраманд бўлиш ғоясини ҳам илгари сурмайдими?

— Албатта, Нодира фироқномаларида ҳаёт неъматларини ғанимат билиш ўзига хос назокат билан ифодаланади. Агар шоира ўзининг муҳаббат мавзуида яратган асарларида ишқни қадрлаб, ёрни улуғлаб, висол дамларидан баҳраманд бўлишга чақирса, фироқномаларида «Мен ана шу висол дамларининг қадрига етмадим, шунинг учун ҳижрон меҳнатига гирифтор бўлдим», — деб ёзади:

Бидмаган бўлсам висолинг давлатини муғтанам,
Ҳажр этак ушлаб, тирибонимни маҳкам тутди ғам.

— Маҳбуба опа, шоранинг айрим фироқномалари назаримда муҳаббат мавзуида битилгандек туюлаверади.

— Тўғри, Баҳодиржон. Дастлаб қарашда ишқ-муҳаббат мавзуида ёзилган асардай бўлиб кўринган қуйидаги мисраларга эътибор қилайлик-а, унда шоиранинг катта маҳорат эгаси экан лиги фироқ дамларини ифодалашда қўл келган:

Менга ул кунким, вафоға аҳду паймон айлади,
Нўшдорум лаби дардимга дармон айлади.
Сўнгра қилғон ваъдаларни барча ёлғон айлади,
Ё магар ул аҳду паймондин пушаймон айлади.
Васл жонидин насибим доғи ҳижрон айлади,
Лоладек бағримни доғи фурқати қон айлади.
Хотири таълимни бу ҳасрат паришон айлади,
Мен қолиб, ғурбатда шоҳим азми жавлон айлади.
Ҳеч ким ё раб жаҳонда ёридин айрилмасун,
Жондин ортиқ меҳрибон дилдоридин айрилмасун.

— Нодира фироқномаларининг ифода усуллари ниҳоятда ранг-баранг туюлади. Маҳбуба опа, бунинг сабабларини нималарда кўрасиз?

— Фироқ ва айрилиқ кунларида айтиб йиғлаш, узоқ айрилиқдан соғиниш, туш кўриш, бирор яқин кишисини йўқотиш туфайли уни соғиниш, ўзининг олдида турган жумбоқларни таъбир этиш каби ҳолатлар фироқнома ифода усулларининг ранг-баранглигидан далолат беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, шоира ўз фироқномаларини фақат йиғи, нидо йўли билан ифодалаб қолмайди, балки у улкан санъаткор сифатида турли усуллардан фойдаланади. Шулардан бири тушда марҳум билан ғойибона суҳбатлашиш асосига қурилган фироқномадир. Шоира «Тушимда кўрсам эди» радифли ғазалида туш кўриш орқали яқин кишиси бўлган марҳум билан висол кўришиш ва дардлашиш ниятида эканлигини арз қилади:

Нигори гулбаданимни тушимда кўрсам эдим,
Лаби шакаршиканимни тушимда кўрсам эдим.
Юзи гулу қадди шамшод, кўзлари наргис,
Баҳору ёсуманимни тушимда кўрсам эдим.
Лабимга келди анинг васлини тилаб жоним,
Бало ўти фиғонимни тушимда кўрсам эди.
Фироқи, Нодира,
кўнглумга доғлар қўйди,
Амири сафшиканимни тушимда кўрсам эдим.

Шунингдек, фироқномаларнинг яна баён усулларидан бири соғинишдир. Шоира деярли ҳамма фироқномаларида марҳум ёрини соғинади, ҳаёлан у билан суҳбат қуришни истайди. Туш кўриш орқали соғиниш бир восита бўлиб қолмасдан, аёлларнинг дил садолари ва юрак туйғуларининг ифодалашнинг бир йўлидир.

— Шоира фироқномаларида жонли халқ тилида қўлланиладиган тимсолли ифодалардан, шунингдек, халқ маросим қўшиқларидан кенг истеъфода этганини шоҳиди бўламиз, шундай эмасми?

— Шундай. Нодира бир фироқномасида «фироқ илгида юз надомат била қолдим», — дер экан. Халқ тилидаги «Юз афсус билан қолдим» ибораси эсимизга тушади. Халқ оғзаки ижодидаги мавжуд йиғиларда марҳумни эслаб йиғлаш пайтида «булбулим учти қўлимдан, қайларда меҳмондур бугун», ибораси учратамиз. Бу марҳумга нисбатан тажоҳили орифона санъати билан «сен қайларга кетдинг, қаерда макон тутдинг», — деган маъноларни билдиради.

Қаю марғзор бўлди жавлонгоҳинг,
Қаю бўстондур маконинг сенинг.

Айни пайтда шоира фироқномаларида халқ тилида мавжуд бўлган кўзга илмаслик, назарга олмаслик иборалари ҳам жуда ўринли ишлатилган: «Фалак бераҳмдур, фарёд қилсам кўзга илмайдур» каби марҳумга ўрни билан номеҳрибон, меҳрибонини ташлаб кетган бағри тош киши, деб қайғу ичида таъна ҳам қилинади. Бу бевақт фожеага нисбатан аламли эзтироздек туюлади.

— Нодира фироқномалари ўзининг ҳаётийлиги билан тушкун кайфиятнц ифодаловчи баъзи марсиялардан кескин фарқ қилади. Шу ҳақдаги фикрингизни билмоқчи эдим.

— Дарҳақиқат, шоира фироқномалари кўлгина ижодкорлар яратган умидсиз марсиялардан фарқ қилади. Сабаб: сарой атрофида яратилган марсияларда хоннинг вафоти муносабати билан «замоннинг оғирлиги», «раҳнамо — сиз гумроҳлик» куйланган. Уларда марсия муаллифларининг бўлажак хонга, хон авлодларига хушомад таъмаси ҳам йўқ эмас эди, албатта.

Нодира фироқномаларида эса катта муҳаббат, эзтиқод билан яшаган, яқин кишисидан айрилган лирик қаҳрамон фожеаси кўп ҳолларда ҳаётий тасвирлар орқали ифодаланади. Уларда «ёрдан айрилган ёр»нинг, «юзи қаҳрабо», «қадди хам», «ҳижрон балосига мубтало», «кўнглумга доғлар қўйди», «ишқ маъсуми» ва «ошуфта ҳол» қалбнинг ёлғизликда кечирган дамлари» шеър тили билан ифодаланади.

Лирик қаҳрамон ўзининг ана шу дарду доққа мубталолигини, қисматдаги фурқатини фалакдан деб билади. Натижада шоира фироқномалари ижтимоий маъно касб этади:

Оҳким беҳад манга жавру жафо айлар фалак,
Фурқат ичра қисматим дарду бало айлар фалак,
Ёрдин айру манга кўп можаро айлар фалак,
Ғам бирла гулдек юзумни қаҳрабо айлар фалак,
Бевафодур оқибат кимга вафо айлар фалак,
Ҳасрату дарду аламга мубтало айлар фалак.

Лекин бу нолалар «қисматда борини тортаётган» қалбнинг мавҳум нидолари эмас. Бу ерда «ишқ дарди», «висол базми» ҳақида сўз борар экан, шоира чархнинг кекса золини «ошиқкуш», «маккора» дейишгача боради.

— Бир сўз билан айтганда, Нодира фироқномаларини ҳаётга муҳаббат руҳида ёзилган асарлар деб қараш мумкин экан-да?

— Шубҳасиз. Шоира ҳаётида рўй берган оғир мусибат туфайли ҳижрон аламлари, фалак зулмларидан қанчалик зорланмасин, у бадбин кайфиятларга берилмайди. Ўзини «тириклиннинг неъматларига шукур» қилиб яшашга, «умрини хушвақтлик» билан ўтказишга ундайди. Шоира «Ёр сафари туфайли», «ранжур», «махмур», «маҳжур», бироқ умидсиз эмас. У ғам билан сира келиша олмайди. «Ситам» биносининг барбод бўлишини истаган шоира ғам, кулфат соатларини кейинга қолдириб умрини осойишталик билан яхши орзу умидлар билан ўтказишга азм қилади:

Эй, гулшан ғам эмди баҳор ўлди хазон бўл,
Эй, дийдаларим ёр юзига нигорон бўл,
Эй, ой, кўнгул гулшанида сарви равон бўл,
Эй, ҳушу хирад, ишқида расвои жаҳон бўл,
Эй, ақл, жунун даштида беному нишон бўл,
Эй, Нодира, сен айшу тараб бирла омон бўл,
Мунший қадар менга қалам чекди дигар чун,
Паймонаи айшимни қазо айлади вожун.

Нодира бу каби мисралари билан ҳаётга умид кўзи билан қараган, айни замонда ўзига тасалли, таскин берадиган тирик инсон сиймосини эслатади. Шоиранинг шахсий ҳаётидаги мусибат, унинг ижодидаги ҳаётий руҳни сўндирмайди:

На ҳожат нола чекмак, кўз ёшини айламак тўфон
Фироқни меҳнат ичра сабр этмакдур сазоворий.

Қисқаси, Нодира фироқномалари Шарқ мумтоз шеъриятига хос марсия жанрининг бир кўриниши бўлиб, улар аёл тилидан, аёл қалбининг садоларини ифодалаб ёзилганлиги билан жозибали фазилат касб этади.

— Биз бугун Нодиран даврон бўлиб танилган истеъдодли шоирамизнинг фақатгина фироқномалари хусусида мухтасар суҳбатлашдик, холос. Маҳбуба опа, сизга кўп сонли муштарийлар — адабий меросимиз мухлислари номидан ташаккур изҳор этамиз.

● **ШИРИНСЎЗ жон озиғи дейишади. Бу бежиз эмас экан. Республика кўз касалликлари шифохонасида бўлган беморлар бу ердаги дорихона мудири Акбар Ориповнинг мулойим, меҳрбахш сўзларини тинглаб, ана шу нақлга тўла ишонч ҳосил қилишади. Акбар ака ҳамиша хасталар илтимосига ҳозиржавоб бўлишади, қўлидан келган ёрдамини аямайди. Суратда: А. Орипов технологик ходима Мавжуда Муталова билан суҳбатда.**

В. ТУРАЕВ олган сурат.

«ҚАЛДИРҒОЧ» ПАХТАКОРЛАР ХИЗМАТИДА

Вилоят маданият бошқармаси амалга ошираётган ишлар, жумладан, махсус агитбригадалар ташкил қилиниши, кўчма кутубхоналар уюштирилиши, бадиий ҳаваскорлик дасталарининг жамланиб, далаларда ўз истеъдодларини намойиш қилишлари пахтакорларни самарали меҳнатга ундамоқда.

Айниқса, Қибрайдаги Ислом Ёртиев бошчилик қилаётган «Қалдирғоч» бадиий дастасининг хизматларини алоҳида таъкидлаш керак. «Қалдирғоч» дала кезиб ўзининг ранг-баранг қизиқарли репертуари билан пахтакорларни хушнуд қилмоқда. Яқинда бу даста Янгийўл ноҳиясидаги Ҳ. Турсунқулов номли жамоа хўжалигининг Охунбобоев бўлимида бўлди. Дастанинг истеъдодли хонандалари Ф. Ҳакимов, У. Мансуровлар ижро этган ўзбек классик қўшиқлари пахтакорларга хуш кайфият бағишлади.

Камола ҒАФФОР қизи.

СЎЗ ТАГИДА СЎЗ БОР

● «СУРМА» сўзи рус тилидаги «сурьма» ибораси-нинг ўзлашиб кетган шакли бўлиб, у аслида туркча «сюрме» сўзидан келиб чиққан. Сурма аввало металлдир. Ер остидан қазиб олинадиган бу ноёб жисмнинг табиатда юздан ортиқ бирикмалари мавжуд. Шундан фақат биттаси — уч олтингугуртли бирикмасигина пардоз буюми сифатида ишлатишга яроқлидир.

● АКУСТИКА (юнонча — эшитаман) товушнинг ҳосил бўлиши, муҳитда тарқалиши ҳамда уни ўлчаш усулларини ўрганади. Товуш (ёки товуш тўлқини) қўпинча, эластик жисмларнинг тебраниши ёки даврий кучлар, масалан, ўзгарувчан ток тебранма ҳаракатининг муҳитда (газ, суюқлик, қаттиқ жисм ва ҳоказо) узатилиши туфайли содир бўлади.

● «ПОЛИГЛОТ» аслида грекча сўз бўлиб, «кўп» ва «тил» деган икки сўздан таркиб топган, яъни кўп тил билувчи киши демакдир. Полиглотлар орасида энг машҳури Франк-фурт-Майн шаҳрида яшовчи немис тилшуноси Л. Шютц бўлса керак. У ози эмас, кўп эмас 270 хил тилда сўзлаша олган.

● АНТИБИОТИК грекча сўз бўлиб, «анти» — «қарши» «биос» — ҳаёт» демакдир. Масалан, кишиларнинг, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг соғлиғига таъсир этиб, уларда юқумли касалликлар пайдо бўлишига сабабчи микроорганизмлар бир тараф бўлса, антагонист деб ном олган микробларни бир тараф дейиш мумкин. Улар ўз рақибларига қарши заҳарли моддалар ишлаб чиқаради. Бу моддалар антибиотиклар деб аталади.

«Фитон» — грекчасига «ўсимлик», «циедере» эса лотинчасига «ҳалок этмоқ» дегани. Ўсимликлар чиқарадиган антибиотик «фитонцид» деб аталади.

А. АЛИЕВ тайёрлаган.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

ФИЛЬМ—ОПЕРА

АЛИШЕР Навоий номли Ўзбекистон Давлат академик катта опера ва балет театри саҳнасида муваффақиятли кўрсатилаётган жозибадор спектакллардан бири «Оловли фариштa» деб номланади. Машҳур композитор С. Прокофьевнинг бу операси асосида яқинда фильм суратга олинди. Москвалик киносанъатқорлар яратган янги фильм-операга Навоий театри спектакли асос қилиб олинди.

«Оловли фариштa» спектаклида етакчи ролларни ўйнаган артистлар янги фильмнинг муваффақиятли чиқишига ижодий ҳисса қўшдилар. Мазкур фильм-опера яқин орада Россия телевидениеси орқали миллионлаб томошабинларга кўрсатилади.

С. ОДИЛОВА.

«ТИНЧЛИК КОРПУСИ» ТАШАББУСИ

БУГУНГИ кунда ҳорижий тил сифатида инглиз тилини ўрганишга бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Америка «Тинчлик корпуси» ташкилоти ҳам кенг оммалашган бу нуфузли тилни тарғиб қилувчи йирик илм-фан марказларидан бирига айланган. Ана шу ташкилот вакилларг яқинда республикамизга ташриф буюрдилар. Фойдали суҳбатлар ва мулоқотлар давомида улар мактабларда инглиз тилини ўқитишнинг борини билан яқиндан танишдилар ва ўзларининг қимматли маслаҳатларини беришди.

«Тинчлик корпуси» вакилларининг шартнома асосида инглиз тилидан машғулотлар олиб бориш юзасидан билдирилган истаклари қўлчиликка маъқул тушди. Шунга кўра улар Ўзбекистонга келиб мактабларда инглиз тилидан қизиқарли сабоқлар беришади. Бундай машғулотлар икки йилга мўлжалланади.

ЭЪЛОНЛАР, БИЛДИРУВЛАР

ТАШКИЛОТ

АВТОСЕРВИС УЧУН

ҚУЙИДАГИ УСКУНАЛАРНИ СОТАДИ:

«ЭЛДИС—1010, 1200» мувозанатлаш дастгоҳлари;

енгил автомобиллар учун кўтаргичлар;

ғилдиракларнинг жойлашувини ростловчи стенд;

шиналарни ўрнатиш ва бўшатиб олиш; электр вулканизатор;

«Кастрол», «САЕ» фирмаларида чиқарилган автомобиль мойлари ва бошқа ускуналар.

МАНЗИЛИМИЗ: 700099, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 118-уй, 607-хона.

ТЕЛЕФОНЛАР: (3712) 34-25-81, 34-66-44.

ТОШКЕНТ вилояти давлат солиқ бошқармаси

ВИЛОЯТ ВА ВИЛОЯТДАГИ ШАҲАР ҲАМДА РАЙОН СОЛИҚ НОЗИРЛИКЛАРИДА ИШЛАШ УЧУН

БУШ ЎРИНЛАРГА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Иқтисодий маълумотга ва махсус соҳада амалий иш стажига эга бўлганлар танловга таклиф қилинадилар.

Мурожаат учун телефонлар: 33-53-67, 32-26-18.

Тошкент вилояти тайёрлов-савдо ширкат бирлашмаси бошқарувининг жамоаси бошқарув раисининг муовини Абдунаби Мирсалимовга отаси

Абдулҳай МИРСАЛИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

• *Кўргазма* •

МУКАММАЛ ДАСТГОҲГА ЭГА БЎЛАЙ ДЕСАНГИЗ...

Қимматли хом ашё — пахтани қайта ишлаш билан боғлиқ жараёнларни республикамизнинг ўзида бажариш борасида кўпгина ишларга қўл урилмоқда. Куни кеча пойтахтимизнинг Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида очилган «Пахта—92» халқаро кўргазмасини шу мақсадда қуйилган яна бир қадам деб ҳисоблаш мумкин.

Иқтисодий ривожланган 15 мамлакатнинг нуфузли фирмалари томонидан бу ерда намойиш этилаётган катта-кичик дастгоҳлар, ускуналар, пахтани етиштириш ва қайта ишлаш бўйича технологияларни сотиб олиш учун қурби етган хўжаликлар, корхона, бирлашма ва фирмалар шартнома тузишлари мумкин.

Ҳом ашёни йигиришдан тортиб то мато ҳолига келгунча бўлган ишларни бажарувчи дастгоҳга кўпчилик қизиқиш билан қарамоқда. Биргина Германиянинг етти фирмаси ранг-баранг машиналари ва технологиялари билан мижозлар диққатини тортмоқда. Шунингдек Бельгия, Швейцария, Англия, Голландия, Швеция, Россия каби мамлакатларнинг фирма ва корхоналари қатори республикамизнинг «Текстильмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва «Квант» кичик корхонаси жамоалари ҳам ўз маҳсулотлари билан кўргазмада қатнашмоқдалар.

Ш. РУСТАМОВ.

Суратларда: англиялик ишбилармонлар амалий мавзуда суҳбатлашмоқдалар; кўргазма залларидан лавҳалар.

Сураткаш В. ХАРИТОНОВ.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар:

ХАТЛАР ВА ОММАВИЙ ИШЛАР БЎЛИМИ — 33-40-48.
АХБОРОТ, ЭЪЛОНЛАР ВА ТИЖОРАТ БЎЛИМИ 33-99-15

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт матбаачилик концернининг босмахонаси. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси.

Газета офсет усулида А—2 форматда босилади. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Нашр кўрсаткичи: Г-457. Индекс: 64673. Босмага топшириш вақти — 20.30. Босмага топширилди — 20.00. 31730 нусха босилади.